



MUSOBAQA QATNASHCHILARIGA OMAD VA ZAFARLAR YOR BO'LSIN!

Kuch – bilim va tafakkurda



Ma'rifat

ENLIGHTENMENT XALQ ZIYOLILARI GAZETASI معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan • E-mail: info@marifat.uz • 2012-yil 24-may, payshanba № 41 (8482)

“УМИД НИХОЛЛАРИ”

СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз болаларим, фарзандларим!

Хурматли ота-оналар, устоз-мураббийлар ва спорт мухлислари!

Аввало, сизларнинг барчангизни мана шу фусункор баҳор айёмида чехраси ва бағрини очиб, янада гўзал қиёфа касб этган Навоий шаҳрида “Умид ниҳоллари” спорт ўйинларининг тантанали очилиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Биз мустақилликка эришган биринчи кунлардан бошлаб юртимизда инсон, унинг ҳаёти ва манфаатларини олий қадрият даражасига кўтариш, халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишдек юксак мақсадни ўз олдимизга асосий вазифа қилиб қўйдик.

Ана шундай эзгу мақсад-

га эришиш йўлида бугун Ватанимиз қўлга киритаётган улкан ютуқ ва марралар дунёнинг узоқ ва яқин мамлакатларида кенг эътироф этилаётгани халқимизга, барчамизнинг ишончимиз ва таянчимиз бўлган ёшларимизга катта гуруҳ ва ифтихор етказмоқда.

Ёш авлодимизнинг ақлзаковати, қобилияти ва талантини рўёбга чиқариш, уларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашга қаратилган амалий савий-ҳаракатларимизнинг яна бир ёрқин намоиши сифатида бугун Навоий шаҳрида бешинчи бор ўтказилаётган “Умид ниҳоллари” мусобақаларида қатъият билан бел боғлаб майдонга тушаётган сиз, азиз фарзандларимизнинг ёниб турган кўзларингиз, ғайрат ва шижоатингиз

барчамизга чексиз қувонч бағишлаб, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Юртимизда шаклланган, “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада ўйинларини ўз ичига олган уч босқичли тизим, айни мана шундай тadbир ва мусобақалар, мухтасар айтганда, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш бўйича амалга ошираётган улкан ишларимиз бугунги кунда дунё жамоатчилигида катта қизиқиш ва ҳайрат уйғотмоқда, энг муҳими, ёшларимизнинг халқаро майдонларда юксак шохсупаларга кўтарилиши учун мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда Болалар спортини ривожлантириш

жамғармаси маблағлари ҳисобидан юртимизда қарийб 1500та замонавий спорт объекти бунёд этилганини таъкидлаш ўринлидир. Эътиборлиси шундаки, бу ишларнинг қўлами ва миқёси кенгайиб, барча ҳудуд ва минтақаларимизни, шаҳар ва қишлоқларимизни тобора кенгроқ қамраб олмақда.

Ўйлайманки, сизлар бўлғуси мусобақалар давомида бу фикрга яна бир бор ишонч ҳосил қиласизлар. Ушбу беллашувларни юксак савияда ўтказиш учун Навоий вилоятида қарийб 56 миллиард сўм маблағ сарфланиб барпо этилган, бугун сизларга ўз эшикларини очаётган муҳташам спорт саройлари ва мажмуалари, стадионлар ва сузиш ҳавзалари, инфрату-

зилма объектлари сизларнинг истеъдод ва маҳоратингизни намоён этишга, келажақда эса минглаб ёш спортчиларни тарбиялаб вояга етказишга хизмат қилиши табиийдир.

Мамлакатимизда яратилаётган ана шундай кенг имкониятлар туфайли болалар спортини том маънода умуммиллий ҳаракатга айланиб, ўзининг дастлабки амалий натижаларини бермоқда. Буни кейинги тўрт йил мобайнида юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан мунтазам шуғулланадиганлар сони 29 фоиздан қарийб 35 фоизга, қизларимиз ўртасида эса 24 фоиздан 31,5 фоизга ўсгани мисолида яққол кўриш мумкин.

(Давоми 2-бетда.)

ЁШЛИК ВА СПОРТ БАЙРАМИ



Истиқлол шарофати билан кундан-кун замонавий қиёфа касб этиб бораётган шаҳарларимиздан бири — навқирон Навоийда юртдошларимиз, айниқса, мактаб ўқувчилари интиқиб кутган “Умид ниҳоллари — 2012” республика спорт мусобақалари бошланди



Енгил шаббода момикқина булутларга қўшиб вақт кафғирини ҳам аста айлантганидек, бир зумда Навоийга осуда оқшом чўқди. Шу тобда лаҳзалик қоронғуликни хоҳламагандек кўчалар ва хиёбонларда чироқлар «уйку»дан уйғонди. Митти қуёшлар сингари порлаб турган сержило фонуслар, ажойиб байрам бошланишини олдидан билгандек мағрур хилпираётган байроқлар, барча-барчаси Навоий шаҳри катта шодийна билан юзлашишга тайёр эканидан дарак бериб турибди. Айём учун ҳозирланган муҳташам майдон — ўқувчиларнинг севимли спорт мусобақалари туфайли замонавий андозалар асосида қурилган, ўн мингдан зиёд томошабинга мўлжалланган Марказий ўйингоҳ аллақачон узоқ-яқиндан келган меҳмонлар, ёшлар ва спорт ихлосмандлари билан тўлган.

Муҳташам стадионга тўпланган ҳамюртларимизнинг хурсандчилиги, шоду хуррамлиги уларнинг юзу кўзидаги самимият нуридан яққол сезилиб турибди.

(Давоми 2—3-бетларда.)

"УМИД НИХОЛЛАРИ" СПОРТ ЎЙИНЛАРИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Буларнинг барчаси ўз навбатида бизнинг эзгу мақсадимиз бўлиши соғлом авлод тарбиясига катта ижобий таъсир кўрсатмоқда. Агарки, 2005 йилда юртимиздаги мутлақ соғлом болалар кўрсаткичи 52 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу рақам қарийб 63 фоизга етгани ва бу борада биз ривожланган давлатлар даражасига тобора яқинлашиб бораётганимиз, албатта, барчамизни хурсанд қилади.

Қадрли ўғил-қизларим!

Бугун бошланаётган "Умид ниҳоллари" ўйинлари мамлакатимиздаги миллионлаб ёшларни спорт билан таништириш, уларни спортга ошно этиш, жамиятимизда соғлом турмуш таъминлашнинг кенг қарор топтиришдек олижаноб мақсадга қаратилгани билан айниқса эътиборлидир. Бу мусобақаларнинг туман ва вилоят босқичларида 1 миллион 600 минг нафарга яқин мактаб ўқувчиси иштирок этгани ёшларимиз ўртасида спортни янада оммалаштиришда бу ўйинларнинг ўрни ва таъсири ортиб бораётганидан далолат беради.

Яқин кунларда XXX ёзги Олимпиада беллашувларида иштирок этиш учун Буюк Британиянинг Лондон шаҳрига йўл оладиган ака ва опаларингиз катта спорт оламига илк қадамларни сизлар қатнашаётган айнан мана шундай мусобақалардан бошлагани, ўйлайманки, барчангизнинг кучингизга куч, ишончингизга ишонч қўшади.

Бугун Ватанимиз шарафини химоя қилишга отланаётган моҳир спортчиларимизга барчамиз омад тилар эканмиз, сизлар ҳам уларнинг изидан бориб, жаҳон майдонларида Ўзбекистони миз байроғини баланд кўтарасиз, деб ишонамиз.

Азиз фарзандларим!

Сизларнинг иштирокингиздаги кескин беллашувлари минг-минглаб тенгдошларингиз, ёру дўстларингиз, барча спорт мухлислари қизгин олқишлар, эзгу тилаклар билан кутиб олади.

Билиб қўйингки, давлатимиз, жамиятимиз сиз, ёшларнинг камолотингиз, бaxту саодатингиз учун ҳеч нарса — маблаг ва имкониятни ҳам, куч ва ҳаракатни ҳам, энг муҳими, ўзининг қалб саховати ва mehrini асло аямайди.

Барчамизнинг истагимиз битта: ана шундай юксак эътибор ва ғамхўрликка доимо муносиб бўлиб, мамлакатимиз қўлга киритаётган ютуқларга ўз ҳиссангизни қўшиб, Ватанимизнинг жаҳон миқёсида обрў-эътиборини юксалтириш учун интилиб яшанг.

Фурсатдан фойдаланиб, сизлар учун янги-янги спорт объектлари барпо этган, катта ҳажмдаги бунёдкорлик ва ободончилик ишларини амалга оширган моҳир қурувчилар, меъмор ва муҳандисларга, пудратчи ташкилотлар ва мутасаддиларга, бутун Навоий вилояти аҳлига, бу олижаноб ишга ҳисса қўшган барча-барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдираман.

Ишонаман, бу мусобақалар дўстлик, ўзаро ҳурмат ва адолат руҳида ўтади ва барчангизнинг ҳаётингизда унутилмас саҳифа бўлиб қолади.

Сизларни бугунги ёшлик ва спорт байрами билан яна бир бор табриклаб, барчангизга бахт ва омад, келгуси ҳаётингизда янги-янги ютуқлар тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЁШЛИК ВА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мана, ёш оила энди тили чиқиб, ота-онасининг қувончига қувонч қўшаётган жажжи фарзанди билан байрамга ташриф буюрибди. Ҳа, бу ёруғ оламга келиб, жаннатмонанд

Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи кўтарилади.

"Умид ниҳоллари — 2012" республика спорт мусобақалари байроғи қилпирай бошлайди.


Умидворлик! Ширин орзулар! Халқимиз донишлари фар-

малаҳдек ёпирилиб келаётган, ёт мақсадларга йўналтирилган аҳборот таъсирига тушиб қолмаслиги, оқу қорани ажрата билиши, кенг дунёқараш ва соғлом ҳаёт тарзига эга бўлишида асосий омиллардан бири сифатида, шубҳасиз, спорт кенг эътироф этилмоқда.

Шу боис Юртбошимиз раҳнамолигида фарзандларимизнинг жисмонан соғлом, маънан етук, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида ўз билим ва истеъдодини, куч ва салоҳиятини намоён этишга қодир бўлиб улғайишлари учун етарлича шарт-шароит яратилмоқда.

Айни пайтда ёш авлоднинг мамлакатимизда тараққий этган демократик жамият, иқтисодий таянчлари барқарор буюк давлат барпо этиш йўлида том маънода ҳал қилувчи куч эканини унутиб бўлмайди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодни аждодаларимиз ва бугунги халқимиз орзу қилганидек — баркамол инсон этиб тарбиялашда муҳим дастуриламал бўлмоқда. Хусусан, бу ҳужжатда навқирон авлод вакиллари жисмоний шаклланишлари ва соғлом вояга етишлари учун улар ўртасида оммавий спорт турлари билан шуғулланишни ривожлантириш масаласига алоҳида урғу берилган. Айтиш мумкинки, уч босқичли спорт мусобақалари тизимини ҳосил этган "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва Универсиада-нинг уюшқоқлик билан ўтказилиши ҳам миллий дастурда ўз ифодасини топган давлат ва миллат нафаатларига тўла мос келади. Қолаверса, жаҳонда бетакрор бўлган бу уч босқичли тизим юртимизга ташриф буюрган хорижлик мутахассислар, машҳур инсонлар, дунё кезган сайёҳлар томонидан бетакрор тизим сифатида эътироф этилган.

Дунёда ўхшаши бўлмаган мазкур тизимнинг дастлабки бўғини — "Умид ниҳоллари" бу гал бешинчи маротаба ўтказилмоқда. Мусобақа илк ма-



диёрда бўлаётган буюк ўзгаришлар, бунёдкорликларни мурғак тасаввур билан ўзича кузатаётган бу болакай йиллар ўтиб, ота-онасининг ойдин орзуларини рўёбга чиқарса, она Ватан шаънини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилувчи машҳур спортчига айланса, ажаб эмас.

"Умид ниҳоллари — 2012" спорт мусобақаларининг қалбларни жунбушга келтирувчи чорлов садолари янграши билан майдонга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари кириб кела бошлади. Стадионга йиғилган минглаб томошабинлар уларни олқиш қайқирқилар билан қарши олади.

Спортчилар ўз жойларига келиб сафлангач, Навоий вилояти ҳокими Э.Турдимов мактаб ўқувчиларининг "Умид ниҳоллари—2012" спорт мусобақаларининг финал босқичини очиб, деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Умид ниҳоллари—2012" спорт ўйинлари қатнашчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳфияси янграйди.




СПОРТ БАЙРАМИ

ротаба 2002 йилда Фарғонада ташкил этилган эди. Ун йил олдинги мусобақада қатнашган ўқувчиларнинг аксарияти бугун мамлакатимизнинг етакчи спортчиларига айланди.

Мусобақаларнинг яна бир ўзига хос жиҳати борки, у ҳақда ҳар қанча сўз айтиш, фахр билан ҳикоя қилиш мумкин. Бу, албатта, спорт ўйинларига мезбонлик қилаётган вилоятлар қиёфаси янгича кўриниш касб этаётгани, кўплаб замон талабларига жавоб берадиган ажойиб спорт иншоотлари қад ростлаб, обод бўлаётгани ҳамда мазкур бунёдкорлик ҳаракати маҳаллий аҳоли, айниқса, ёшларни янада юксак чўққиларни забт этишга дадиллантираётганида кўринади. Ортда қолган қисқа вақт ичида жойларда ўнлаб янги стадионлар, сув ҳавзалари, теннис кортлари, енгил атлетика манежлари, бадий ва спорт гимнастикаси заллари, бокс саройлари қурилади. Мавжудлари реконст-

лари ва усқуналари билан жиҳозланганлиги эътиборга моликдир.

«Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари шунчаки мактаб ўқувчиларининг jismoniy imkoniyatlarini sinovchi ko'rik emas, balki bo'lajak sport yulduzlarini quvvatlantiradigan mo'jaz maydondir. Энг улуг орзулар, мақсадлар шу паллада тугилади, мустаҳкамланади. Табиийки, бугун тўрт йилликнинг энг машҳур мусобақаси — Лондон Олимпиадаси ўйинларига йўланма олиб, мураккаб баҳсларга пухта тайёргарлик кўраётган дзюдочилар Ришод Собиров, Абдулла Тангриев, Дилшод Чориев, боксчилар Аббос Атоев, Элшод Расулов, Жасур Латипов, енгил атлетикачилар Светлана Радзивил, Валерия Канатова, Юлия Тарасова, сузиш бўйича мамлакатимиз рекордчилари Раёно Омонова, Юлдуз Кўчқорова, таэквондочи Акмал Эргашев каби кўплаб спортчиларимиз айнан ана шу мусоба-



қоллари—2012» спорт баҳсларида ҳалол, мардонавор ва мурасасиз курашишга тантанали қасамёд қилдилар.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоиз, бу йилги мусобақаларнинг финал босқичи ҳам спортнинг ўн икки тури: бадий гимнастика, қўл тўпи, сузиш, футбол, волейбол, енгил атлетика, шахмат, стол тенниси, спорт гимнастикаси, баскетбол, кураш ва белбоғли кураш бўйича ўтказилади.

Халқимизда «Иш қурулинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур» деган пурмаъно нақл бор. Бундай улкан мусобақага мезбонлик қилиш ҳамда уни юқори савияда ўтказиш учун Навоий шаҳрида барча шароитлар муҳайё қилинди. Шу жумладан, жами 13та спорт иншоотида қурилиш, реконструкция ва капитал таъмирлаш ишлари бажарилди. Айниқса, умумий майдони 14,8 гектардан иборат, «Умид ниҳоллари—2012» спорт мусобақаларининг бosh объекти — Ёшлар спорт мажмуаси, унинг таркибидagi Марказий ўйингоҳ, бадий ва спорт гим-

настикаси учун мўлжалланган кенг, шинам спорт залларининг бунёд этилгани навоийликларни беҳад қувонтирди. Стадион атрофига экилган анвойи гуллар, равон асфальт йўллар ва уларнинг ёқасида бир маромда таралаётган нур дилларга ажиб илиқлик бағишлайди.

Яна бир эътиборга молик бунёдкорлик — Олий спорт мактаби барпо этилгани бўлди. Умумий майдони 5 минг квадрат метрли ташкил этган мазкур иншоотда жами 7та спорт зали мавжуд бўлиб, спортнинг ўнга яқин тури билан мунтазам шуғулланиш имкони яратилди. Бир сўз билан айтганда, Навоий шаҳрида спорт мусобақалари шарофати билан бутун бошли «Олимпия шаҳарчаси» барпо этилди! Буларнинг барчаси шаҳар кўркига кўрк қўшиш билан бирга энг асосий мақсад — минглаб ёшлар қалбида соғлом турмуш тарзига иштиёқ, спортга меҳр уйғотишга хизмат қилади.

«Умид ниҳоллари — 2012» беллашувларининг

финал босқичи доирасида қизиқарли ва кўнгилочар талбирлар, маданий дастурлар ҳам ўтказилади. Унда таниқли спортчилар, ёзувчи ва шоирлар, санъат намояндалари билан учрашувлар, турли шоу-концертлар ўтказиш, вилоятнинг диққатга сазовор жойларига сажатлар уюштириш кўзда тутилган.

...Кучли ёритувчи прожекторлар нуридан чароғон бўлган майдон узра ёш иқтидорли спортчилар чиқиб, ўз маҳоратларини кўргазмали машқлар орқали намояндаларига киришди. Санъат усталарининг она Ватан, дўстлик ва тинчликни тараннум этувчи шўх куй-қўшиқлари барчага байрамона кайфият улашди.

«Умид ниҳоллари — 2012» спорт мусобақаларининг тантанали очилиш маросимида Ўзбекистон Республикасининг Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Зоҳиджон ХОЛОВ,
«Ma'rifat» муҳбири

Муҳаммад АМИН (ЎЗА) ва
Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.



рукция қилинди, таъмирланди ҳамда ёшларимиз ихтиёрига берилди.

Бундай сазй-ҳаракатларнинг ўз вақтида адо этилишида муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил этилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг эзгу ишларини алоҳида тилга олиш зарур. Мазкур жамғарма маблағлари эвазига диёримизнинг қарийб барча ҳудудда, жумладан, қишлоқ жойларида спорт мажмуалари қурилиб, зарур анжомлар билан жиҳозлана-япти.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 2003—2011 йиллар давомида 1500га яқин спорт иншооти фойдаланишга топширилди. Биргина 2011 йилда спорт иншоотлари ҳамда сузиш ҳавзалари 3,4 млрд. сўмлик спорт анжом-

қаларда дастлабки зафарли қаламларини ташлаган.

...Машғалада рамзий маъно мужассам. Уни спортнинг ўзига қиёслаш мумкин. Спорт, чиндан ҳам, ёшларимизни тўғри манзил сари етакловчи йўлчи юлдузга ўхшайди. Бу машғала Паркент туманидаги «Физика-Қуёш» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Материалшунослик институтининг ўчоғида саҳий қуёшимиз тафтидан аланга олдирилгач, Тошкент, Сирдарё, Жиззах ва Самарқанд вилоятларини орда қолдириб, Навоий шаҳрига етиб келди. «Умид ниҳоллари—2012» спорт мусобақалари машғаласини кўтариб, стадионга кириб келган йигит ва қизга шу тобда барчанинг ҳаваси келди.

«Умид ниҳоллари—2012» спорт ўйинлари машғаласи порлай бошлади. Мусобақа иштирокчилари «Умид ни-





❖ **Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида "Менинг бизнес гоям" республика танловининг якуний босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.**

Аънанавий танлов Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши, "Микрокредитбанк", "Ипотека банк", "Агробанк" ва "Қишлоқ қурилиш банк" ҳамкорлигида ўтказилмоқда.

Танловнинг жорий йилдаги қўйи босқичларига йигирма саккиз минг нафар йигит-қиз жалб этилди. Улардан етмиш тўрт нафари танловнинг финал босқичига чиқди. Тадбир якунларига қўра, йигирма икки нафар йигит-қиз "Менинг бизнес гоям – 2012" республика танлови ғолиби бўлди. Улар бизнес-режасини рўйбга чиқариши учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг эллиқ фоизи миқдориди имтиёзли микрокредитлар олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

❖ **Нукус автомобиль йўл ҳўжалиги ва сервис хизмати касб-хунар коллежида меҳнат ярмаркаси ўтказилди.**

Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, Нукус шаҳар ҳокимлиги, шаҳар бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг шаҳар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 47 корхона ва ташкилот 216 бўш иш ўрни билан иштирок этди.

Жорий йилда Нукус автомобиль йўл ҳўжалиги ва сервис хизмати касб-хунар коллежини беш мутахассислик бўйича 638 йигит-қиз тамомлайди.

Шу йилнинг ўзида бешинчи бор ташкил этилган меҳнат бозори туфайли ўнлаб коллеж битирувчилари ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

❖ **Андижон шаҳар Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида "Биз мустақил юрт фарзандларимиз" шиори остида ёшлар фестивали бўлиб ўтди.**

Вилоят ҳокимлиги, ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳамда халқ таълими бошқармалари, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчилари иштирок этди. Фестиваль доирасидаги викторина ва интеллектуал ўйинларда катнашган ёшлар қизиқарли савол-жавоблар орқали ўз билимларини синовдан ўтказди. Асфальтга расм чизиб беллашувда ёш расмолар она Ватан, табиат манзаралари ҳамда юртимиздаги қўллаб-қўзғал ва бетақдор масканларни меҳр ва маҳорат билан акс эттирди.

Таниқли кино усталари ва санъаткорлар билан учрашувлар ёшларда унутилмас таассурот қолдирди. Шу кунги боғдаги аттракционлар болалар ихтиёрига берилди.

ЎЗА ВА МАХСУС МУХБИРЛАРИМИЗ Йўллаган материаллар асосида тайёрланди.

Ko'rik-tanlov

ЭНГ ЁШ ИХТИРОЧИЛАР

«Баркамол авлод» болалар техник ижодиёт марказида «Йилнинг энг яхши иқтидорли, ижодкор ёш иxtirochиси» республика кўрик-танлови ўтказилди.

Танлов экологик, бадий ижодиёт ва техник йўналишда ташкил этилиб, республика-мизнинг барча вилоятларидан келган ёш иxtirochилар ўз кашфиётларини намойиш қилишди. Экологик йўналишда табиатни иф-лослантirmayдиган ва унга зарар етказмай-диган иxtiroлар ҳакамлар ҳайъатида тақдим этилди. Бадий ижодиёт йўналишида асосан қизлар қўл меҳнати орқали яратган турли бе-зак буюмларини тақдим қилди.

Биринчи ўрин экология йўналишида На-воий шаҳридаги 1-мактабнинг 8-синф ўқу-вчиси Жасур Исроиловга насиб этди. Иккин-чи ўринга техник йўналишда Қорақалпоғис-тон Республикасидан Жонибек Оралбаев ҳамда учинчи ўринга бадий йўналишда Ан-дихон вилоятдан Моҳинур Фаниева лойиқ топилиди.

Феруза ХОЛМУРОВА

Tanlov

КИТОБСЕВАР ОИЛАЛАР

Республика болалар кутубхонасида «Китобсевар-лар-2012» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда асосан ки-тобсеварлар оиласидан икки нафар вакил (ота-оналар ҳамда 12—16 ёшгача бўлган фар-зандлар) иштирок этди. Улар таништирув, компьютер савод-хонлиги, истеъдод намойиши, ўзбек шеърятидан намуналар ўқиш, бадий адабиёт муто-лааси каби шартлар орқали беллашилди.

Ғолибларни аниқлашда ўқувчиларнинг дарс ва жамоат ишларидаги фаоллиги ҳам инобатга олинди. Танлов яку-нига қўра, Гулистон туманида-ги 5-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Моҳинур ва онаси Махсуда Бекмуродова 1-ўринни, Хонқа туманидаги 38-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Мавжуда Собирбоева ва буви-

си Гулистон Сувонова 2-ўрин-ни, Пискент туманидаги 1-мак-табнинг 8-синф ўқувчиси Дил-сора Абдусатторова ва отаси Отабек Рашидов 3-ўринни қўлга киритди.

Республика босқичининг барча иштирокчилари турли номинациялар бўйича рағбат-лантирилди. Ғолиблар «Ўзбе-кистон Миллий энциклопе-дияси» жамланмаси, Алишер Навоий асарлари тўплами ва диплом билан мукофотланди.

Моҳичеҳра ЛАТИПОВА,
«Ma'rifat» мухбири

Tadbir

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида талабаларни олий таълим муассасасининг тарихи, бугунги кунда соҳада қўлга киритилётган ютуқлар билан таништириш мақсадида "Уч авлод учрашуви" маънавий-маърифий тадбири та-ш-кил этилди.

Институт ўзининг йўналиши бўйича нафа-кат юртимизда, балки Марказий Осиёдаги йи-рик олий таълим муассасаси ҳисобланади. Олий ўқув юртида пахта тозалаш, тўқимачи-лик, енгил саноат, матбаа ва қоғоз саноати учун малакали кадрлар тайёрлаб келинмоқда.

Тадбирда собиқ талабалар, устозлар, институт жамоаси, соҳага тааллуқли қатор ком-пания ва ташкилот вакиллари иштирок этди. Учрашувда сўзга чиққанлар институт фаолия-

ти хусусида фикр билдириб, ёшларни қайси соҳа эгаси бўлишдан қатъи назар, Ватан та-раққиётига ҳисса қўшиб, ўз касбини севиб яшаш кераклигини ўқтирди.

Йиғилиш сўнггида иштирокчилар инсти-тут тарихи, замонавий техника ва техноло-гия билан жиҳозланган лабораториялар ва мини пахта заводи билан танишишди.

Олим ЖУМАБОВЕВ,
«Ma'rifat» мухбири

Диққат: танлов!

Босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида "МУСТАҲҚАМ ОИЛА – ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ" республика танлови

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 27 февралда қабул қилин-ган қарори билан тасдиқланган "Мустаҳқам оила йили" Давлат дастурининг их-росини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамо-ат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшма-си, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида "Мустаҳқам оила – жамият таянчи" мавзусида энг яхши мақолалар ва фотоасарлар республика танловини эълон қилади.

Танловга тақдим этиладиган мақолалар ва фотосуратларда:

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишланган тантанали ма-росимдаги "Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир" маърузасида, 2012 йил 27 февралда қабул қилинган "Мустаҳқам оила йили" Давлат дасту-ри тўғрисида"ги қарориди белгиланган вазифаларнинг жойлардаги ихроси бўйича амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг амалдаги самараларини атрофлича ёритиш;

– жамиятимизнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса, ёш оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни кучайти-риш борасида жойларда олиб борилаётган ишларни кенг ёритиш;

– жамиятимиз ва кундалик ҳаётимизда маҳалла институтининг ролини яна-да кучайтириш ва мақомини ошириш, "Мустаҳқам оила йили" Давлат дастури мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда маҳалла ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳамиятини, ёш оилаларни қўллаб-қувват-лаш ҳамда шакллантиришда уларнинг ролини кучайтириш, ёш оилаларга зарур қўмак ва ёрдам бериш борасида амалга оширилаётган ишларни ёри-тиш;

– жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган барка-мол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳқам, соғлом

оилани шакллантиришда жамоат ташкилотлари, жумладан, касаба уюшмала-ри ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган ишларни кенг ва сифатли ёритиш;

– оддий одамларнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг онги ва шуурига оиланинг муқаддаслиги, оилани мустаҳкамлаш, оила қуриш ва бу борадаги бурч ва масъулиятни тизимли равишда сингдириш, уларни меҳнатда, ўқишда ва ҳаётда янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан усуллардан фой-даланиш шарт.

Танловга 2012 йил давомида матбуотда эълон қилинган Мустаҳқам оила йилига бағишланган мақолалар ва фотосуратлар қабул қилинади. Танловга тақдим этилган мақолалар ўнтадан, фотосуратлар ўн бештадан кам бўлмас-лиги керак. Фотосуратларнинг электрон нусхаси ҳам тақдим этилиши шарт.

Танловга ижодий ишлар 2012 йил 1 ноябргача қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қили-ниши лозим:

– муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
– иш жойидан ёки Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг ви-лоят бўлимидан тавсиянома;
– муаллифнинг паспорти нусхаси;
– муаллифнинг боғлиқ телефонлари.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари махсус дипломлар ва пул мукофот-лари билан тақдирланадилар.

Танлов ғолиблари ва совриндорларига мукофотлар Ўзбекистон Республи-каси Конституциясининг 20 йиллик байрами арафасида топширилади ва улар-нинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар "Мустаҳқам оила – жамият таянчи" республика танловида, деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100 000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА.

Телефонлар: 233-71-49; 233-68-13; 233-21-42.

Айни кунларда умумтаълим мактабларининг 9-синф битирувчилари таълимнинг кейинги босқичида тахсилни давом эттириш арафасида. Бу муҳим паллада улар келажagini қайси касб ёки ҳунар билан боғлиқ ҳолда кўрмоқда, танловни тўғри амалга оширдими, деган саволлар кўндаланг турибди.

Табиийки, ўқувчи ўз иқтидори, қобилияти ва қизиқишларига мос касбни танламаса, келажакда етук мутахассис бўла олмайди, қилаётган ишидан аввало ўзи қониқмайди. Шу боис ҳам бу масалага бугун жиддий эътибор қаратилмоқда, ота-оналар, мутасадди идора ва ташкилотлар бу борада ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришмоқда.

Жумладан Халқ таълими вазирлиги ҳамда ҳудудий таълим бошқаруви идоралари ўқувчиларни касбга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Юнособод тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимининг ўқувчиларни касбга йўналти-

ноза Каримова, 8-синф ўқувчилари Шоҳрух Фарҳодов ва Азиза Умрзоқова ҳам танланган соҳасида муайян ютуқларга эришиб, ўз келажagini аниқ тасаввур этади. Педагогик жамоа ҳар бир болада ана шундай кўникмаларни шакллантиришга интилкимоқда.

Мактабда ўтказилган касб-

боис мазкур йўналишни таъминлаган ёшларнинг иши тайин десак, муболага бўлмайди.

— Мактабимизни 205 нафар ўқувчи битираяпти, — дейди директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилшода Зоитова. — Олдинги йилларда тиббиёт коллежларида тахсил олишни истовчилар нисбатан кўп эди. Масалан, Боровский номидаги тиббиёт коллежига ўтган йили 22 нафар, бу мавсумда бор-йўғи 8 нафар ўқувчи ҳужжат топширди. Яъни, тўғарақларда касб-хунарга меҳр уйғотилаётгани боис ўрта махсус таълим муассасаларидаги йўналишларга ўқувчилар тенг тақсимланмоқда.

БИЗ ХУНАРНИ ТАНЛАСАК, ХУНАР БИЗНИ ТАНЛАЙДИ

ши ҳақида бирор қарорга келади. Иккиланган пайтлари психолог ёрдамига таянади.

— Баъзи болаларда аниқ фанларга иқтидор кучли, лекин соҳага иштиёқи кам, — дейди психолог. — Тестлар, суҳбатлар натижасида имконият ва истаклари мутаносиблашади. Бола фақат ота-онаси, ён-веридагилар, ўртоқларига қараб касб танласа, ҳаётда қийналиб қолиши мумкин. Масалан, бир неча йил олдин Баҳодир деган ўқувчимиз қурилиш соҳасига қизикди. Бироқ ота-онаси розилик бермагач, бошқа касбнинг бошини тутди. Охирикўбат, барибир қурилишда ишлашни афзал билди. Бошидаёқ шу йўналишда тахсил олганида моҳир курувчи бўлиши мумкин эди.

Айтиш жоизки, турли соҳа ходимлари билан учрашувларда болалар ўзларига ёққан мутахассислик бўйича

Jarayon

ИСТАК ВА ИҚТИДОР МУТАНОСИБИ?

Бугун ота-оналар мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, фарзандлари эртаси бор касб-хунарининг бошидан тутишини истамоқда. Қишлоқ жойлардаги коллежларда ҳам замонавий йўналишларга талаб ортаёпти. Буни Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги 119-мактаб мисолида кўриш мумкин. Муҳими, ушбу соҳалар юртимизда жадал ривожланиётгани ёшларда ўз келажигига ишонч ҳиссини ошираётди.

Мактаб маъмурияти бола касбни қандай танлаётганига, истаги иқтидор ва имкониятига мос келишига алоҳида эътибор қаратмоқда.

КАСБИМ — КАМОЛИМ

риш, психологик-педагогик диагностикасини ташкил этиш кичик гуруҳи раҳбари Дилором Исмоилова билан мулоқотда бунга амин бўлди.

— Битирувчиларни касбга йўналтиришда, аввало, ўзларининг қизиқишлари инобатда олинмоқда, — дейди у. — Мактабларда ота-оналар, оилавий сулолалар, турли соҳа мутахассислари иштирокида учрашувлар ташкил этилди. Туманимиздаги 5 минг 36 нафар битирувчи ўқувчини таълимнинг навбатдаги босқичига қамраб олиш учун имкониятлар етарли. Бу йил тайёргарлик анча эрта бошлангани учун ўғил-қизларнинг иқтидори, қизиқишларини барвақт аниқлаб, уларга тегишли ўқув муассасаларига тавсия бериш каби ишларни бафуржа амалга оширдик.

Ўқувчиларни касбга йўналтиришда мактаб психологлари ўтказган тест ва сўровномалар, «Ким бўлсам экан?», «Мен ўз келажгимни қандай кўраман?» мавзуларидаги ишшо танловлари муҳим ўрин тутди.

КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

Бугун бу саволга болалар барвақт жавоб топишга одатланиб бормоқда. Устоз ва мураббийлар ўқувчиларни бошланғич синфларданоқ касбга йўналтирмоқда. Пойтахтимиздаги 235-умумтаълим мактабида бу анъана яхши йўлга қўйилган.

— Иқтидори маълум соҳага йўналтириб берилган бола келажакда ўз касбининг устаси бўлиб етишади, — дейди мактаб директори Мўмина Сулаймонова. — Мисол учун, 8-синф ўқувчиси Диёра Имомбоевнинг расм чизишга қобилияти бор. Танловларда совринли ўринларни эгаллаб келаяпти. Ўқитувчиси унинг бошланғич синфдалигидаёқ аниқланган иқтидорини ривожлантириб бормоқда. Келажакда Диёра етук расм, дизайн бўлиб етишса, ажаб эмас. 7-синф ўқувчиси Дил-

лар фестивалида синфлар маълум бир касб-ёки хунарининг мазмун-моҳиятини турли кўргазмавий ашёлар ёрдамида очиб беришди. Кулолчилик, темирчилик, рассомлик, дизайнерлик, ошпазлик, шифокорлик каби ўнлаб касб-хунарга хусусидаги қизиқарли маълумотлар келгусида болаларга асқотиши, шубҳасиз.

КАСБ ТАНЛАШДА ТЎГАРАКНИНГ ЎРНИ

Болаларни касб-хунарга йўналтиришда тўғарақлар алоҳида аҳамиятга эга. Хусусан, 235-мактабдаги чеварлик, дуррагдорлик тўғарақлари моддий-техник база билан тўлиқ таъминланган. Қизлар кашта билан зеб бераётган уй-рўзгор буюмларини кўриб, ҳавасингиз келади.

— Қизим Азиза шу йил мактабни битиради, — деди Зухра Йўлдошева. — Қайси касбни танлашни билмай, икки йилдан юрган эди. Ўтган йилдан тўғараққа қатнай бошлагач, қатъий қарорга келди: дизайн йўналишидаги коллежга ҳужжат топширмоқчи. Келажакда моҳир тикувчи-дизайнер бўлиш ниятида. Қизимиз ўзи учун жуда зарур касбни танлаётганидан хурсандимиз.

Ўтган йили тумандаги дизайн коллежиди 2 нафар ўқувчи тахсилни давом эттирган бўлса, бу йил уларнинг сони 8 нафарга етди. Ҳа, хизмат кўрсатиш соҳаси тобора ривожланиб, юртимиз тараққиётида муҳим ўрин тутаятгани боис, коллежларнинг ошпазлик, қандолатчилик, меҳмонхона хизмати, сартарошлик, машинасозлик, чилангарлик йўналишларига ҳужжат топшираётган ёшлар сони ошмоқда.

Бу йил машинасозлик коллежиди лифтларга техник хизмат кўрсатиш йўналиши очилди. Кейинги йилларда бунёд этилаётган замонавий иншоотларга мураккаб тузилишга эга лифтлар ўрнатилмоқдаки, айни соҳадаги усталарга эҳтиёж ортаёпти. Шу



Касб-хунарга одам танлайди. Кимнингдир ичи тор, бундайлардан заргар чиқмайди. Бошқа биров техникани яхши тушунади, устачиликка кўли келади. Шу боис, мактабни битириш арафасидаги фарзандларимизни касбга йўналтиришда психологларнинг хизмати беқийс.

Халқ таълими вазирлигининг тавсиясига кўра психологлар ўқувчилар орасида йил давомида тестлар ўтказиб боришади.

— «Қизиқишлар харитаси» 15та фанга оид 90та саволдан иборат, — дейди 235-мактаб психологи Умида Жиянбоева. — Уларга болалар иштакларидан келиб чиқиб жавоб беради. Натижа ҳисобланганда ўқувчининг қизиқиши, иқтидори ойдинлашади. Дифференциал диагностика сўровнома аса ўқувчининг интеллектини аниқлашга қаратилган 20та саволдан иборат. Машғуллот чоғида болаларни кузатиб бораман. Айримлари жавоб тополмагач, асабийлашади, ёнидагилардан сўрайди. Тест боланинг дунёқарashi, қизиқишларини аниқлашдан ташқари, руҳий олами, оилавий аҳолидан ҳам бохабар этади.

Эътиборлики, бунда ўқувчилар ўз имкониятларини чамалаб, келгусида ким бўли-



батафсил маълумот олиб, унинг оғир-енгил томонидан воқиф бўлаётгани уларга касб танлашда ёрдам бераяпти. Бу борада Наманган вилояти Чортқоқ шаҳридаги 48-мактабда амалга оширилаётган ишлар, айниқса, таҳсинга лойиқ.

— Ўқувчи коллежлардаги йўналишлар тўғрисида нафақат эшитиши, балки ўз кўзи билан кўриб, шарт-шароитлар билан танишиши лозим, — дейди мактаб директори Назира Ҳайитова. — Шу маънода ўрта махсус, касб-хунарга таълими муассасаларидаги «Очиқ эшиклар куни» тадбирлари ўқувчиларда катта таассурот қолдиради. Болаларни савдо ва хизмат кўрсатиш шох-шочалари, ишлаб чиқариш муассасалари, шифохоналар фаолияти билан таништирдик. Тикувчилик, қандолатчилик, ишлаб чиқариш цехлари, сартарошхона ва автомобиль устaxonаларида ишлаётган акаопаларининг ҳаётий фикр-мулоҳазалари болаларнинг касб-хунарга ҳақидаги тасаввурларини кенгайтирди.

Ота-оналар мактаб мутасаддилари фарзандларининг нафақат таълим-тарбияси, балки келажиги тўғрисида ҳам ўзларидан кам қайғурмаётганини сезиб, ўғил-қизлари тақдирига янада масъулият билан ёндашаёпти.

— Ўзи бошқа соҳага қизиқса-да, ота-онаси хоҳиши билан касб танлаганлар ҳам бўлди, — дейди 119-умумтаълим мактаби директори Тўхтамурод Маҳмонов. — Шундан пайтада ота-оналарни боланинг орзуларига бефарқ қарамасликка қаҳирдик. Тўғри, улар фарзандим номдор даргоҳларда ўқисин, етук касб эгаси бўлсин, дейди. Бироқ қобилиятини кўра билмай, ўқувчини тескари томонга йўналтириш келажакда салбий таъсир қилиши мумкин.

Алқисса, шу кунларда устоз-мураббийлар, ота-оналар эътибори келажакимиз ворисларини энг мақбۇл соҳаларга йўналтиришга қаратилган. Зеро, касб инсонни камолга элтиради. Фарзандларимиз барча қулайликларга эга, замонавий иншоотларда жойлашган, энг сўнгги русумдаги ўқув жихозлари билан таъминланган коллеж ва лицейларда ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайишига шубҳа йўқ. Энг муҳими, ёшлар мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, бутун диққатини билим олиш, касб-хунарга эгаллашга қаратса, бас.

Ҳамза АБДУЛЛАЕВ,
«Ma'rifat» мухбири



ЁШ МУСИҚАЧИЛАР ЮТУҒИ

Р. Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ёшлик чоғиданоқ санъатнинг сеҳрли жозибасига ошuftа ёшлар таълим олмакда. Яқинда уларнинг бир гуруҳи яна бир халқаро танловда қатнашиб келди: 28 апрель — 3 май кунлари Украинанинг Симферополь шаҳрида бўлиб ўтган XIII халқаро ёш мусиқачилар танлови ўқувчиларга ўз истеъодларини намойиш этиш учун яна бир имконият эҳикларини очди.

Унда иштирокчилар халқ чолғулари, вокал каби йўналишлар бўйича куй-қўшиқларни ижро этдилар.

Танлов натижаларига кўра, академик лицейнинг 1-курс ўқувчиси Жамшид Ҳақимов (дутор бас) I ўринни эгаллади. Шу йўналишда Азизжон Тешабоев III ўринга лойиқ деб топилди. Академик хонандалик йўналиши бўйича 8-синф ўқувчиси Шохрух Ризоқулов II ўринни олган бўлса, Ихтиёр Воҳидов рағбатлантирувчи диплом билан тақдирланди.

«Энг яхши жўрнавоз» номинацияси бўйича ўқитувчи Сурайё Тиллаҳўжаева махсус диплом билан тақдирланди. Танловнинг «Энг яхши ўқитувчи» номинациясида Бахтиёр Зияев ғолиб бўлди.

МУХБИРИМИЗ

СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ ХОДИМЛАРИ — МАКТАБДА

Яккасарой туманидаги 100-умумтаълим мактабида туман давлат солиқ инспекциясининг малакали мутахассислари иштирокида «Ўзбекистон Республикасида жорий этилган солиқлар ва уларнинг тўлов манбалари», «Солиқлар нима учун тўланади ва нималарга сарфланади?» мавзусида «Очиқ дарслар» ўтказилди. Солиқ ва мажбурий тўловларнинг аҳамияти, соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, тадбиркорларга яратилаётган енгиллик ва имтиёзлар ҳақида атрофлича маълумот берилди. Солиқ қонунчилиги ва унга киритилган ўзгаришлар ёритилган Давлат солиқ қўмитасининг www.soliq.uz расмий веб-сайти ишлайди. Унга жойлаштирилган интерактив хизмат турлари барчани қизиқтиради.

Ш.ҚАЮМОВ,
Тошкент шаҳар ДСБ
ахборот хизмати бошлиғи

May — xorijiy tillar fan oyligi

МЕҲНАТСЕВАРЛИККА УНДАГАН КЕЧА

Машҳур ёзувчи асаридаги ишёқмас ва ялқов қаҳрамон онасининг танбеҳи билан меҳнат қилишга ўрганади. Кейинчалик у бироз хатти-ҳаракат эвазига бахтга ҳам эришади. Меҳнатсеварлик ва интилувчанлик акс этган дидактик новелланинг ўқувчилар иштирокидаги инглизча талқини барчада яхши таассурот қолдирди.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги аниқ фанларга ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида хорижий тиллар фан ойлигига бағишлаб ўтказилган инглиз тили кечасида ўқувчилар чет тилида шеър, қўшиқ ва «Leazy jack», «Apple jam», «Winnie-the-pooh» сингари саҳна кўринишлари орқали дангасалик ва тартибсизликни қоралаб, болаларни

зеҳнли ва қаққон бўлишга ундади.

— Ҳафтасига ўтиладиган учтўрт соатлик машғулотларда ўқувчиларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, чуқур билим беришга уринамиз, — дейди инглиз тили фани ўқитувчиси Наргиза Хонбобоева. — Дарсдан сўнг бўладиган «Ёш инглизлар», «Тилшунослар» тўғрақларида болаларга жаҳон адабларининг асарларини АКТ имкониятлари ёрдамида жонли тасвирлаб, инглиз тилини янада мукамал ўргатишга эришмоқдамиз.

Тадбир доирасида ўқувчи ёшларнинг ижод намуналари ҳамда чет тилидаги куй-қўшиқлари қатнашчиларни хушнуд этди.

ШОИРА БОЙМУРОВА

ЯНГИ ЎҚУВ РЕЖА ТАСДИҚЛАНДИ

Халқ таълими вазирлигининг «Умумтаълим мактаблари учун 2012-2013 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи қабул қилинди. Мазкур буйруқ асосида таянч ўқув режаси ҳамда тушунтириш хати тасдиқланди ва Республика таълим марказига тегишли фанлар дастурларига ўзгартиришлар киритиш, илмий-методик кенгашларда атрофлича муҳокама қилиш ҳамда 2012 йилнинг 1 июнига қадар барча умумтаълим мактабларига етказиш вазифаси юклатилди. Шунингдек, ҳудудий халқ таълими бошқармалари билан ҳамкорликда ўқув режа ва унинг ижроси билан боғлиқ ҳужжатлар мазмун-моҳия-

тини педагогик жамоаларда, август кенгашларида кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш лозимлиги ҳам белгилаб қўйилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,

Rasmiy bo'lim

Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига ушбу таянч ўқув режаси ва унинг тушунтириш хатида белгиланган вазифаларнинг 2012-2013 ўқув йили давомида умумтаълим мактабларида тўлиқ ижросини таъминлаш юклатилди.

Халқ таълими ҳудудий бошқарув идоралари, Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ҳамда халқ

таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари-га мазкур ўқув режа асосида тайёрланган ўқув дастурларини амалиётга жорий этиш юзасидан доимий мониторинг олиб бориш, кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида вазирликка маълумот бериб бориш вазифалари топширилди.

Мазкур буйруқ қабул қилингани муносабати билан вазирликнинг 2011 йил 9 июндаги «Умумтаълим мактаблари учун 2011-2012 ўқув йилига мўлжалланган ўқув режасини тасдиқлаш тўғрисида»ги 123-сонли буйруғи жорий йилнинг 1 июлидан ўз кучини йўқотади.

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларининг 2012-2013 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режаси

№	Ўқув фанлари	Синфлар									Хафталик умумий соат
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	
	Давлат ихтиёридаги соатлар	20	22	24	24	30	32	33	34	35	254
1	Она тили ва адабиёт	8	8	10	10	9	7	5	5	5	67
2	Ўзбек тили/рус тили		2	2	2	2	2	2	2	2	16
3	Хорижий тил					3	3	3	3	3	15
4	Тарих					2	2	3	3	3	13
5	Давлат ва ҳуқуқ асослари								1	1	2
6	Иқтисодий билим асослари								1	1	2
7	Математика	5	5	5	5	5	5	5	5	5	45
8	Информатика								1	2	3
9	Физика						2	2	2	2	8
10	Кимё							2	2	2	6
11	Биология					1	2	2	2	2	9
12	Табиийёт ва география	1	1	1	1	1	2	2	2	2	13
13	Одобнома	1	1	1	1						4
	Ватан туйғуси					1	1				2
	Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари							1	1	1	3
14	Мусиқа маданияти	1	1	1	1	1	1	1			7
15	Тасвирий санъат	1	1	1	1	1	1	1			7
16	Чизмачилик								1	1	2
17	Меҳнат	1	1	1	1	2	2	2	1	1	12
18	Жисмоний тарбия	2	2	2	2	2	2	2	2	2	18
	Мактаб ихтиёридаги соатлар	0,5				0,5	0,5	1	0,5	2	5
	Умумий соатлар	20,5	22	24	24	30,5	32,5	34	34,5	37	259
	Амалий меҳнат машғулоти (кун ҳисобида)					6	6	10	16		

Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактабларининг 2012-2013 ўқув йилига мўлжалланган таянч ўқув режаларига ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида" ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 22 сентябрдаги "Академик лицей, касб-хунар коллеж ва умумтаълим мактабларини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича 2012 йилнинг асосий параметрларини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-1620-сонли ва 2011 йил 30 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги ПҚ-1675-сонли қарорларини, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги 203-сонли, 1999 йил 16 августдаги "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 390-сонли, 2003 йил 29 октябрдаги "Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 473-сонли, 2004 йил 24 июндаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 293-сонли, 2008 йил 7 августдаги "Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги 173-сонли, 2011 йил 1 мартдаги "Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида"ги 52-сонли, 2012 йил 15 майдаги "Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги 130-сонли қарорлари ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган санитария қоидалари ва меъёрлари (СанҚваМ) асосида тузилган.

Ўқув режа таркибдан давлат ва мактаб компонентларидан иборатдир. Давлат компонентига ажратилган фанлар давлат таълим стандартлари асосида тузилган дастурларга биноан ўқитилади.

1. Таълим ўзбек тилида олиб бориладиган мактабларда рус тили фани, таълим ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ўзбек тили фани ҳафтасига икки соат ҳисобида 2-синфдан бошлаб ўқитилади. Таълим қорақалпоқ, қozoқ, қирғиз, тожик ва туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда рус тили фани ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари хоҳишига қараб она тили ва адабиётдан II–IV синфларда 2 соатдан, V–IX синфларда ҳорижий тилдан 1 соатдан, она тили ва адабиётдан 1 соатдан олинди, жами 2 соат ҳисобида 2-синфдан бошлаб ўқитилиши мумкин.

2. «Жаҳон тарихи» фани VII–IX синфларда 1-ярим йилликда ҳафтасига 2 соатдан, 2-ярим йилликда ҳафтасига 1 соатдан;

«Ўзбекистон тарихи» фани VII–IX синфларда 1-ярим йилликда ҳафтасига 1 соатдан, 2-ярим йилликда ҳафтасига 2 соатдан ўқитилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Ф-1322-сонли фармойиши асосида I–IV синфларда «Конституция алифбоси» курси «Одобнома», «Ўқиш», «Табиатшунослик», «Атрофимиздаги олам» каби фанлар таркибидан ҳар бир синфда 10 соатдан ўқитилади;

V–VI синфларда «Конституция оламига саёҳат» курси «Ватан туйғуси» фанидаги мавжуд тақдорланишлар ҳамда тақдорлар ва назорат ишларини ўтказиш учун ажратилган соатлар ҳисобидан алоҳида дастур асосида ўқитилади;

VII синфда 17 соат ҳажмида мактаб компоненти ҳисобидан ўқитилади.

Бу машғулотлар мактаб дарс жадвалига киритилиши ва синф журналида алоҳида бет ажратилиши лозим.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги «Дин

соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий қўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида»ги 364-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида «Динлар тарихи» курсидан дастлабки умумий тушунчалар:

I–IV синфларда синфлар кесимида 17 соатдан, жами 68 соат «Одобнома», «Атрофимиздаги олам», «Ўқиш», «Меҳнат», «Табиатшунослик» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибидан;

V синфда 17 соат «Тарих», «Адабиёт», «Ватан туйғуси» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибидан;

VI синфда 17 соат «Тарих», «Адабиёт», «Ватан туйғуси» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибидан;

VII синфда 17 соат «Тарих», «Адабиёт», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибидан;

VIII синфда 17 соат «Тарих», «Адабиёт», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанлари ва тарбиявий соатлар таркибидан;

IX синфда «Дунё динлари тарихи» курси мактаб компоненти ҳисобидан жами 17 соат ўқитилади.

5. «Иқтисодий билим асослари»:

I–IV синфларда «Иқтисод ва солиқ алифбоси» курсининг ўқув материаллари «Она тили», «Ўқиш», «Математика», «Атрофимиздаги олам», «Меҳнат» фанлари таркибидан синфлар кесимида 10 соатдан, жами 40 соат;

V–VII синфларда «Иқтисод ва солиқ сабоқлари» ўқув курслари «Математика», «Меҳнат», «Физика», «Конституция оламига саёҳат», «География», «Тарих», «Ватан туйғуси» фанлари таркибидан синфлар кесимида 17 соатдан, жами 51 соат;

VIII–IX синфларда эса алоҳида фан сифатида ўқитилади.

6. Халқ таълими вазирлигининг 2006 йил 3 августдаги «Умумий ўрта таълимнинг

янги тахрирдаги давлат таълим стандартлари, модернизация қилинган ўқув дастурлари тахриб-синовларининг иккинчи босқич натижалари ва уларни давом эттириш тўғрисида»ги 6/4-ХБ-сонли буйруғига асосан информатика фани V–VII синфларда мактаб ихтиёридаги соатлар ҳисобидан синфлар кесимида 0,5 соатдан, жами 51 соат ўқитилади.

7. Айрим фанларни чуқур ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб(синф)ларда ўқитилган ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 августдаги «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 173-сонли ва 2011 йил 9 сентябрдаги «Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат умумтаълим муассасаларининг ихтисослаштирилган синфлари, давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари тўғрисида»ги 254-сонли қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг қўшма буйруғи билан тасдиқланган фанларни чуқур ўқитиш бўйича намунавий ўқув режалари ва дастурлари асосида амалга оширилади.

Маъмур намунавий ўқув дастурлар асосида фанларни чуқур ўрганиш бўйича муаллифлик ўқув дастурларини Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Республика таълим маркази билан келишган ҳолда мустақил ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш мумкин.

8. «Йўл ҳаракати қоидалари»ни ўргатиш учун:

I синфда мактаб компоненти ҳисобидан ҳафтасига 0,5 соат ажратилиб, синф журналида алоҳида саҳифада ўқитилган мавзулар қайд этилади;

II–VIII синфларда бу машғулотлар тасдиқланган дастур

асосида бошланғич синф ўқитувчилари ва синф раҳбарлари томонидан тарбиявий соатлар ҳисобидан ўтилади. Бу машғулотлар ўқитувчиларнинг педагогик юкласи сифатида инobatга олинади. «Йўл ҳаракати қоидалари» машғулотлари II–VIII синфларда мактаб дарс жадвалига киритилади ва синф журналида тарбиявий соатлар учун ажратиладиган саҳифада ўқитилган мавзулар қайд этиб борилади.

9. «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» машғулотлари I–IV синфларда «Жисмоний тарбия», «Одобнома», «Атрофимиздаги олам» фанлари таркибидан 17 соатдан, V–IX синфларда «География», «Биология», «Кимё», «Физика», «Меҳнат таълими», «Ватан туйғуси» ва «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» фанлари дастурлари таркибидан синфлар кесимида 17 соатдан ўтилади.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 3 июлдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарини узлуксиз таълим тизимида ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Ф-360-сонли фармойиши асосида мактаб компоненти ҳисобидан IX синфда 10 соатдан ўқитилади.

11. Умумий ўрта таълим мактабларининг I–IV синфларида «Саломатлик дарслари» ўқув курси «Одобнома», «Атрофимиздаги олам», «Табиатшунослик», «Жисмоний тарбия» ва «Ўқиш» фанлари таркибидан, V–VII синфларда «Соғлом авлод асослари» ўқув курси «Биология», «Жисмоний тарбия», «Меҳнат таълими» фанларига интеграция қилинган ҳолда ҳамда VIII синфда мактаб ихтиёридаги соатлардан фойдаланган ҳолда ўқитилади.

12. Малакали ўқитувчиларга ва зарур шароитларга эга умумий ўрта таълим мактабларида (шаҳар мактабларида синфдаги ўқувчиларнинг сони 25 ва ундан ортиқ, қишлоқ мактабларида эса 20 ва ундан ортиқ бўлган тақдирда) қуйидаги фанларни ўқитишда синф ўқувчилари икки гуруҳга бўлилади:

II–IX синфларда ҳорижий (инглиз, немис, француз ва бошқа) тиллар дарсларини ўқитишда;

таълим ўзбек тилида олиб борилмайдиган мактабларнинг II–IX синфларида ўзбек тили дарсини ўқитишда;

таълим рус тилида олиб борилмайдиган мактабларнинг II–IX синфларида рус тили дарсини ўқитишда;

V–IX синфларда «Информатика» фани дарсларини ўқитишда;

VIII–IX синфларда жисмоний тарбия дарсларини ўқитишда (ҳар бир гуруҳда йилгит ва қизлар саккиз нафардан кам бўлмаса).

Амалиётдаги давлат таълим стандартларига кўра (УЎТДТС тўплами, 4-сон, 312-бет) уму-

мий ўрта таълим мактабларининг V–IX синфларида ўқувчилар сони шаҳар мактабларида 25 ва ундан ортиқ, қишлоқ мактабларида 20 ва ундан ортиқ бўлса, меҳнат таълими дарслари шу синфдаги ўқувчиларни икки гуруҳ (ўғил ва қиз болалар)га ажратган ҳолда алоҳида дастурлар асосида олиб борилади.

13. Ўзбекистон Республикаси Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг 2003 йил 4 июндаги йиғилиши баёнининг 3-бандини бажариш мақсадида жисмоний тарбия фанидан дарс ўтиш учун спорт базалари мавжуд бўлган умумтаълим мактабларининг V–IX синфларида спорт секциялар ўтказилади.

14. Таълим қорақалпоқ, рус, қozoқ, тожик, қирғиз, туркман тилларида олиб бориладиган мактабларда мактаб педагогик кенгашининг қарорига биноан айрим фанлар ва курслар ўзбек тили(давлат тили)да ўқитилиши мумкин.

15. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг умумий ўрта таълим мактабларида таълим жараёнини ташкил этиш шароити ташкил этиш тўғрисида»ги Ф-360-сонли фармойиши асосида ўқув йили биринчи синфда 33 ҳафта, II–IX синфларда 34 ҳафта қилиб белгиланган. Мактабда ўқув машғулотлари 2 сентябрдан бошланади ва барча синфларда 25 майда тугалланади. Ўқув йили мобайнида таътиллар: кузги таътил — 4 ноябрдан 6 кун; қишки таътил — 1 январдан 10 кун, баҳорги таътил — 22 мартдан 10 кун; ёзги таътил — ўқув йили (имтиҳонлар) тугаган кундан бошлаб 31 августгача давом этади. I синф ўқувчилари учун февраль ойининг учинчи ҳафтасида бир ҳафталик таътил берилади (ота-оналарнинг талабларига биноан февраль ойининг бошқа ҳафтасида таътил бериш мумкин).

16. Ўқув йили якунида V–VIII синф ўқувчиларининг меҳнат кўникмаларини шакллантириш ва касбга йўналтириш мақсадида махсус ишлаб чиқилган, ота-оналар ва маҳалла кўмитаи раислари билан келишилган, мактаб директори томонидан тасдиқланган жадвал асосида амалий меҳнат машғулотлари:

— V–VI синфларда 6 кун 4 соатдан;

— VII синфда 10 кун 4 соатдан;

— VIII синфда 16 кун 4 соатдан бевосита мактабда, идора ва корхоналарда Халқ таълими вазирлигининг 2003 йил 3 ноябрдаги 159-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Умумий ўрта таълим мактабларининг V–VIII синфларида амалий меҳнат машғулотларини ўтказиш тартиби тўғрисида йўриқнома»га қатъиян риоя қилган ҳолда ўтказилади.

17. Барча турдаги давлат умумий ўрта таълим муассасаларида маъмур ўқув режа давлат томонидан тўлиқ молиялаштирилади.



«НАВОИЙАЗОТ» ОАЖ

Навоий вилоятида умумтаълим
мактаблари ўқувчилари
ўртасида ўтказилаётган

«Умид ниҳоллари – 2012»

спорт мусобақалари қатнашчилари
бўлган азиз ёшларни, уларнинг
мураббийларини, ушбу катта
спорт анжуманига ташриф
буюрган барча меҳмонларни
самимий қутлаш шарафига муяссар
бўлганимиздан мамнунмиз!
Беллашувларда барчага ҳалоллик,
мардлик, тантилик йўлдош
бўлишини тилаймиз!



«SHARQ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси



Ҳурматли устозлар!

Халқ таълими вазирлиги тапаббуси билан ўқитувчилар учун
Ona tili (6-sinf), Fizika (6-sinf), Kimyo (7-sinf) методик
қўлланмалари чоп этилди. Ушбу китобларни “Шарқ зиёкори”

китоблар дўконидан харид қилишингиз мумкин.

Азиз китобхонлар! Дўконимиздан таниқли ёзувчиларнинг
энг сара асарларини ҳам харид қилишга шўшинг.

Харидингиз хайрли бўлсин!

Энг аъло сифат, энг замонавий дизайн,
энг арзон босма маҳсулот — «Sharq» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси шиори.

Бизнинг манзил: Ўзбекистон Республикаси,

1000000, Тошкент шаҳри,

Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Тел.: 233-90-50, 233-72-62, 236-53-62



Айни пайтда имконияти чекланган болаларга алоҳида меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг жамиятга интеграциялашувини енгиллаштириш мақсадида махсус мактабгача таълим муассасаларида-ноқ амалий ҳаракатлар қилинаёпти. 2010 йил 18 июнда Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат махсус мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 117-сонли қарор қабул қилинган, мазкур масалага эътибор янада кучайди. Ушбу ҳужжатга биноан умумий типдаги мактабгача таълим муассасаларидаги махсус гуруҳлар тугатилиб, имконияти чекланган болалар махсус МТМларга ўтказилди. Махсус МТМлардаги таълимий ва тиббий жараёни модернизациялаш, моддий-техник базасини тубдан яхшилашга киришилди.

Яқинда пойтахтимизда ушбу қарорнинг жойлардаги ижросини ҳамда мутахассисларнинг талаб ва тақлифларини ўрганиш мақсадида «Махсус таълим йўналишида таълим мазмунини такомиллаштириш омили» мавзусида республика илмий-амалий семинари ташкил этилди. Халқ таълими вазирлиги мутахассислари, Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази ходимлари, соҳа бўйича изланишлар олиб бораётган олимлар ва махсус МТМ вакиллари иштирокдаги анжуманда илғор тажрибалар, янги ўқитиш методлари ва мавжуд муаммолар таҳлил этилди.

жараёнига тортиб, оммавий мактабларда ўқишига эришсак, улар эртага жамиятнинг ижтимоий фаол аъзосига айланади.

ТАЪЛИМГА НОЛОЙИҚ ФАРЗАНД ЙЎҚ

Шундай хулосадан сўнг семинар қатнашчилари Уч-тепа туманидаги яқиндаги-на капитал реконструкция қилиниб, замонавий тус олган «Меҳр нури» номи 431-ихтисослаштирилган махсус мактабгача таълим муассасида ишни давом эттиришди. Халқ таълими вазирлиги бўлими бошлиғи Сабоҳат Миржалилова махсус мактабгача таълим муассасаларида ҳужжат юришти тартиби ҳақида йиғилганларга тушунча бериб ўтди. Махсус МТМларда 3—6 ойда ички қайта кўриқни ўтказиш тажрибаси маъқулланди. Илк ташхис вақти ҳаяжон сабабли барча касаллик белгилари намоеён

Оммавий мактабгача таълим муассасаларида ишлайдиган тарбиячилар меҳнати ҳам осон эмас. Энди қандайдир нуқсон бор болалар билан ишлашнинг қанчалик машаққатлигини тасаввур этиб кўринг. Ўй-халқларини тилига кўчириб бхатидан маҳрум бола қандайдиги тилаклар ва махсус муассаса тарбиячисининг бир кунлик ҳаёти тасвирга туширилган видеороликда имконияти чекланган ўғил-қизлар билан ишлаш масъулияти оғир, аммо шарафли касб экани намойиш этилди.

Мавзу доирасида юзага келган фикр, мулоҳаза, тақлифлар давра суҳбатидида ўртага ташланди.

— Муассасамизда 78 нафар нутқда, ақлий ривожланишида, таянч-ҳаракат аъзоларида нуқсонли бор бола тарбияланади, — дейди Тўрақўрғон туманидаги 21-давлат махсус МТМ мудири Соҳиба Аҳмедова. —

Қарор ва ижро

тахассислиқни эгаллашлари зарур. Шундагина аниқ соғломлаштирувчи таълимий методикалар яратилади.

Мазкур масала бўйича Фузур туманидаги 2-махсус МТМ мудири Рубия Отамуродова ўз ҳудудидан келиб чиқиб муносабат билдирди:

— Кадрлар масаласида гап кетар экан, вилоятларда нуқсонли болалар билан ишлайдиган психологлар, махсус йўналишдаги педагоглар этишмаслигини таъкидлаш зарур. Ҳозир кўпинча қайта тайёрловдан ўтган мутахассислар билан ишлашга мажбур бўлаяпмиз.

Бу ҳусусда Халқ таълими вазирлигининг мактабгача таълим бўлими бошлиғи Сабоҳат Миржалилова тўхталиб, мазкур муаммо жойлардаги масъулларнинг қайси кадрга қанча эҳтиёжи борлигини ёзма тарзда билдириши билан ҳал этилишини таъкидлади. Бундан буён республикамиздаги 173та махсус МТМ талабларига қараб кадрларга буюртма берилиши белгиланган олинди.

Махсус таълим муассасаларида соғлом болаларнинг нотўғри ташхис туфайли қабул қилиниши ёки касалликлар турига қараб янги гуруҳлар очилмаслиги боис баъзи гуруҳларда болалар сонининг меъёрдан ошиб кетиши бўйича қизгин баҳс бораётган пайтда Фарғона вилояти халқ таълими бошкармасининг мактабгача таълим бўлими инспектори Саноат Тожибоева ҳудудда тўпланган тажриба билан ўртоқлашди:

— Фарғона вилоятида 20та махсус МТМ фаолият кўрсатади. Гуруҳларда болалар сони бўйича меъёрга қатъий амал қилимиз. Бунинг учун тиббий-педагогик комиссия ўтказадиган кўриқларда муассасалардан вакил-мутахассислар, психоневрологлар иштирок этишади. Шу орқали нотўғри ташхис эҳтимоли камаюди. Рухий ва жисмоний ривожланишида нуқсонли бор болалар гуруҳларидаги чекловлар ҳар тарафлама ҳисобга олинган ҳолда белгиланган. Бу талаблардан четга чиқиш эса болалар билан индивидуал ишлаш имкониятини камайтиради. Табиийки, иш самарадорлиги ҳам шунга яраша бўлади.

Ана шундай қизгин давом этган баҳсларда мутахассислар ўзаро тажриба алмашиб, махсус таълимда индивидуал ривожлантирувчи фаолият муҳим, енгил ташхисли болаларни эса инклюдив таълим муҳитига тортиш афзал деган хулосага келишди. Зеро, бу йўналишдаги таълим мазмунининг такомиллашгани имконияти чекланган болаларнинг фаол ҳаётга мослашуви, ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишига хизмат қилади.

Насиба ЭРХОНОВА,
«Ma'rifat» мухбири

ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛА

унинг таълим олиш имконияти чекланмаган

ЕНГИЛЛИК — БЎШ ҚОЛИШ ЭВАЗИГА ЭМАС

Пойтахтнинг Ҳамза туманидаги 272-махсус МТМда семинар иштирокчилари шўъбаларга бўлиниб ишлашди. Коррекцион машғулотларни кузатиш мобайнида мутахассислар ҳар бир болага индивидуал ёндашув муҳимлигига яна бир бор амин бўлишди. Хусусан, руҳий ривожланишда орқада қолган болалар билан қуриш-ясаш машғулотларини ўтишда қатъий тартиб белгиланиши лозим. Олайлик, олма расмини чизишдан олдин болада у ҳақида тасаввур уйғотилиши зарур. Яъни, бола мевани кўзи билан кўриши, ушлаб тушунча ҳосил қилиши ва таъминати тиши керак. Шу боис ҳафтанинг дастлабки кунлари тасвирий фаолият машғулотларини ўтиш тавсия этилмайди. Боиси, предметлар ҳақида болаларда тўлиқ тушунча ҳосил қилинган вақт ўтади. Таҳминан пайшанба-жума кунлари шу пайтгача ўрганилган нарсалар расмини чизиш тарбияланувчилар учун қийинчилик туғдирмайди. Шундагина бундай болалар билан ишлаш осонлашади. Яна, қалам-бўёқларни ишлатиш гигиенасига ҳам алоҳида эътибор бериш зарур.

Қуриш-ясаш йўналишидаги намунавий машғулотда, ҳар бир бола меҳнати қадрланиши, барча хатти-ҳаракатлар ижтимоийлашувига хизмат қилиши лозимлиги асосий мақсадга айлан-

ди. Хусусан, катта гуруҳларда ўтказилган «Юк машинаси» мавзусидаги машғулотда болалар бир марталик сочиқчалардан қарам ясаб, уларни юк машинасида бозорга олиб бориб сотишди. Қарам ясаб асносидаги ҳаракатлар болалар қўл моторикасини ривожлантиришга йўналтирилгани кўриниб турарди. Тарбиячи диққатини жамлай олмаган, қарамлари «ўхшамай қолган» болаларни ҳам рағбатлантирди: «Барақалла, Орзубек, сен қарам сотишни хоҳламаган бўлсанг, унда иккамамиз биргаликда уларни харид қиламиз. Келгуси сафар, албатта, қўлларимизни яхшилаб айлантириб, қарам ясаймиз, ундан ойнинг мазали овқатлар тайёрлайди». Бундай мақовдан кўнгли кўтарилган бола ҳаммага мамнун бокди...

Мазкур МТМ мудири Елена Грошева ҳар бир гуруҳда болалар ташхисига қараб жиҳозлар танланиши ва жойлаштирилиши тўғрисида маълумот бериб, имконияти чекланган ўғил-қизларни ўқитиш методикаси хусусида шундай деди:

— Махсус таълим олаётган болаларга уларни бўш қолдириш эвазига енгиллик бермаслигимиз керак. Аксинча, нуқсонли томонларни коррекциялаб, мавжуд имкониятларини иложи борида ривожлантириб, соғлом болалар қаторига қўшиш асосий мақсадимиз бўлиши зарур. Енгил даражадаги нуқсон кузатилган, махсус коррекцион таҳсил олган болани инклюдив таълим

бўлмаслиги мумкин. Қолаверса, қайта кўриқда оиладан қўшимча маълумотлар олинди, психолог ёрдамида болани ўраб турган муҳит ўрганилади. Энг асосийси, махсус таълим натижасида соғломлашган болалар аниқланиб, оммавий типдаги боғча ва мактабларга ўтказилади.

Мезбон муассаса дефектолог Луиза Муттабарова ақлий нуқсонли бўлган болаларни текширувдан ўтказиш бўйича амалий машғулотда коррекцион таълим қанча эрта бошланса, касаллик оқибатлари шунча тез бартараф этилишини кўрсатди. Машғулот асносида уч-тўрт йилдан буён таълим олаётган болалар билан яқинда келганлар ўртасида сезиларли фарқлар борлиги кўзга ташланди.

Психолог Татьяна Бердникова тақдим этган махсус тестлар ҳам йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Бу савол-жавоблар орқали бола муассасага қай аҳволда келгану, қай даражада ижобий томонга ўзгарганини билиб олиш мумкин. Кутилган мақсадга эришилгандан сўнг соғлом болалар орасига қўшилаётганлар билан алоҳида психологик таъсир этувчи машғулотлар ўтиш уларнинг ижтимоийлашувини таъминлаш таъкидланди.

МУАММОЛАР ТАҲЛИЛИ

Ҳаётда ҳатто соппа-соғлом болаларини тарбия қилишдан қийналиб, нолиб юрган оналар ҳам учрайди.

Охирги уч йилда 128 нафар тарбияланувчи оммавий боғча ва мактабларга ўтказилди. Бундай натижага эришиш учун мутахассисларимиз қимдан қандай яхши тажриба ўрганса, шунини амалиётга татбиқ этишга интилади. Чунки махсус мактабгача таълим йўналишида методик ёрдамга катта эҳтиёж бор. Тадқиқотчиларимиз кўп тармоқли махсус муассасалар учун методик қўлланмалар ёзишса, бизга катта ёрдам бўларди.

Мактабгача муассасалар ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика маркази директори Малоҳат Аъзамова бир гуруҳ муаллифлар томонидан «Дефектологнинг кундалик китоби» яратилганини айтиб, иштирокчиларга тақдим этди. Қўлланма бўйича Тошкент давлат педагогика университети профессори, педагогика фанлари доктори Лола Мўминова шундай деди:

— Ушбу китоб махсус таълимга методик ёрдамнинг бошланғич кўриниши бўлиб, келгусида ҳар бир йўналиш бўйича ана шундай тўпلام яратишга бел боғладик. Шунингдек, педагог кадрларни тайёрлашда ҳам ихтисослашув зарурлиги амалиётда кўзга ташланаёпти. Яъни, ҳозир биргина дефектологлар бирварақайга нутқда олти турдаги нуқсонли бор болалар билан ишлайди. Демак, улар ҳар бир йўналишни алоҳида-алоҳида тарзда чуқур ўзлаштириш учун ҳам тор доирадаги му-

SAVDOGAR BANK

ЎЗБЕКИСТОН–ГЕРМАНИЯ
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

жамоаси

Навоий шаҳрида ўтказилаётган

«Умид ниҳоллари — 2012»

спорт мусобақалари иштирокчиларини, барча устоз
ва мураббийларни ушбу анжуман билан қутлайди!

Ўзбекистонда баркамол авлодни тарбиялашда спортнинг
ўрни алоҳида эканлигига жиддий эътибор қаратилмоқда.

Тинчлик ва дўстлик рамзи бўлган ушбу оммавий
тадбир ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Азиз спортчи-ёшлар! Сизларга беллашувларда
омад ва зафарлар тилаймиз!



Ўзбекистон-Германия «САВДОГАРБАНК» очик акциядорлик тижорат
банки республикаимиз аҳолисига қуйидаги омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютадаги омонатлар:

Омонат номи:	Муддати:
➔ «Мустаҳкам оила»	12 ой
➔ «Коммунал тўлов»	камиди 6 ой
➔ «Хазина»	6 ой
➔ «Истиқбол»	3 ой
➔ «Кафролат»	6 ой
➔ «Орзу»	12 ой

Хорижий валютадаги омонатлар:

Омонат номи:	Муддати:
➔ «Комфорт»	3 ой
➔ «Универсал»	6 ой
➔ «Элит»	12 ой

Ишончли ва мустаҳкам ҳамкорлик учун омонатлар.

«САВДОГАРБАНК»

ЗАМОНАВИЙЛИК ВА АНЪАНАВИЙЛИК УЙҒУНЛИГИ

Бельгия таълимидаги муҳим жиҳат

Европанинг шимоли-ғарбида жойлашган 10 миллиондан ортиқ аҳолиси бор Бельгия қироллигида фламан, француз ва немис тиллари расмий тил ҳисобланади. Бельгия жадал тараққий этган индустриал давлат. Мамлакат Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 31 декабрда тан олган. Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 10 март кuni ўрнатилган, яъни бу йил мазкур ҳамкорликка 20 йил тўлди. 1995 йили Бельгияда Ўзбекистон Республикаси элчихонаси ўз фаолиятини бошлаган.

Бельгия таълим тизими ўзига хос жиҳатларга эга. Мамлакатда мактабгача таълим (kleuteronderwijs) 2,5 ёшдан бошланади. Мактабгача таълим мажбурий таълим дастурига киритилмаган бўлса-да, тахминан 90 фоиз шу ёшдаги болалар МТМларга қатнайдди. 6 ёшга етганда эса улар бошланғич мактабнинг биринчи синфига ўқишга боради.

6 ёшдан 16 ёшгача ва кечки мактабларда 18 ёшгача бўлган барча болалар учун таълим мажбурий ва bepул. Хусусий мактабларнинг деярли барчаси давлат томонидан ёрдам тариқасида бериладиган маблағ — субсидия билан таъминланади.

Мактаб таълимининг биринчи босқичи — олти йиллик бошланғич мактаб ҳисобланади. Урта икки йиллик босқичдан иборат бўлиб, дастлабки тўрт йили мажбурий. Биринчи ва иккинчи босқичда ўқувчиларнинг ярми умумпедагогик, техник ёки касб-хунар тайёргарлигидан ўтади, қолган ярми эса таълимнинг умумий курсини ўтади.

Бошланғич мактабда болалар арифметика, ўқиш, ёзиш, мусика, тарих каби фанлардан таълим олишади. Брюсселдаги фламан мактаб дастурига биринчи ёки иккинчи синфдан бошлаб француз тилини ўқитиш киритилади. Қолган фламан мактабларининг кўп қисмида бу фан 3-синфдан

ўргатилади. Мамлакатнинг француз тилида сўзлашувчи қисмида ўқувчининг хоҳишига кўра инглиз ёки нидерланд тиллари ҳам ўргатилади.

Ўқувчилар бошланғич мактабни тугатиб, худди шундай учта 2 йиллик босқичдан иборат ўрта мактабга ўтади. Бу босқичда ўқувчилар маълум фанларни танлаши шарт ва бу танлов уларнинг дарс жадвалини аниқлаб беради. Дарс жадвалидан, шунингдек, ҳамма учун мажбурий фанлар, масалан, давлат тили ва жисмоний тарбия ҳам жой олади.

Бельгияда 4 турдаги ўрта мактаблар фаолият юритади. Улардан биринчиси, умумий ўрта таълим мактаби (Algemeen Secundair Onderwijs — ASO). Бу муассасада 6 йил тўлиқ таълим олиб, ўқишни олий ўқув юртида давом эттириши мумкин.

Иккинчиси техник ўрта мактаблар (Technisch Secundair Onderwijs — TSO) ҳам ТТК ва STK каби кичик турларга бўлинади. Биринчи тур мактаблар техник йўналишга, иккинчиси эса амалий йўналишларга ихтисослашган. Мазкур таълим муассасаларида математика, тиллар, тарих, табиий фанларга уруғ берилди, лекин умумий ўрта таълимга нисбатан билим қамрови торроқ.

Яна бир турдаги таълим муассасалари касбий-техник ўқув

юртлари (Beroeps secundair Onderwijs — BSO) дурадгор, заргар, қурувчи, уста каби мутахассисликлар бўйича таълим олувчиларни тақлиф этади. BSO — фақат Бельгия таълимида мавжуд бўлиб, ундан кейин олий таълим олиш мумкинлиги кўзда тутилмаган.

Бельгияда олий таълим университети ва олий мактабларда берилди. Ҳозирги кунда Бельгияда қарийб 180та олий таълим муассасасида 280 минг нафар талаба тахсил олади.

Олий ўқув юр்தларининг бир қисми турли ҳамжамият бюджетдан молиялаштирилган давлат ёки расмий турдагилардир. Айримлари шахсий маблағлар ҳисобидан — хусусий, шахс ёки таъхилот томонидан очилган мустақил олий таълим муассасаси.

Брюсселдаги мустақил университети — Нидерланд университети ҳисобланади. 1970 йили нидерланд тилидаги факультетлар 1834 йили ташкил этилган Брюссель мустақил университети таркибидан алоҳида олий ўқув юрти сифатида ажратиб чиққан.

Университет таълими 4 йил, лекин баъзи мутахассисликлар бўйича тахсил 10—12 йил давом этади. Университет таълими кўп босқичли бўлиб, ҳар бир ўқиш даври куйидаги илмий даражаларни олиб билан тугатилади: — номзодлик — 2 ёки 3 йиллик таянч таълимдан кейин берилди. Бу биринчи босқич ҳисобланиб, кейинги босқичда маълум йўналиш бўйича кадрларни тайёрлаш бошланади;

— лицензиат — таълимнинг бошқа тизимида бакалавр даражасига мос келади, мутахассислиги бўйича 2 ёки 3 йиллик қўшимча таълим ва илмий иш ёзилганидан кейин берилди;



— докторлик — таълимнинг бошқа тизимида магистр даражасига тўғри келади. Бу лицензиат даражасини олгандан сўнг камида яна 1 йил тахсил олиб, диссертация ёқлаш талаби билан берилди;

— олий таълим агрежеси энг олий даража ҳисобланиб, докторлик даражаси олинган, 2 йил муддат ўтгандан сўнггина берилиши мумкин.

Бельгияда 1995 йил 8 августдаги «Олий мактабларда таълимни ташкил этиш тўғрисида»ги Декретта мувофиқ узоқ ва қисқа муддатли таълим турлари белгиланди.

Қисқа муддатли олий мактаб таълими 3 йиллик (баъзи ҳолларда санъат ва тиббиёт соҳалари бўйича 4 йил). Узоқ муддатли олий мактаб таълими ҳар бирининг давомийлиги 2 йилдан иборат икки босқичда олиб берилди.

Ўзига хос таълим тизимига эга Бельгия қироллиги билан мамлакатимиз таълим тизими ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. 2003 йил февралда Бельгияга Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги делегацияси ташрифи ташкил этилди.

Ташриф чоғида Тошкент давлат техника, иқтисодиёт универ-

ситетлари, Фарғона политехника институтини ҳамда Кортрейк университети ўртасида ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Бугунги кунга келиб бу олий ўқув юр்தлари Монс университетининг Политехника факультетини билан ҳам ҳамкорлик ўрнатган. Сен-Лукас архитектура олий мактаби ҳамда мамлакатдаги «Ля Комбр» француз ҳамжамияти Тошкент архитектура-қурилиш институти билан ҳамкорлик қилмоқда. 2001 йили имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги икки томонлама келишув асосида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва Бельгия таржимонлар олий институти ўртасида алоқалар йўлга қўйилган. Ҳар йили Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида француз тили ўқитувчилари Лувен университетида Бельгиянинг «Веллония — Брюссель Интернешнл» агентлиги томонидан ташкил этилган француз тилини ўқитиш методикаси бўйича икки ҳафталик тиллар курсида иштирок этиб, ўз малакасини ошириб келмоқда.

Шоҳида ТУРСУНОВА,
Низомий номидаги
Тошкент давлат педагогика
университети талабаси

Ҳар бир оила ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш аънавларига эга ижтимоий институтдир. Лев Толстой «Анна Каренина» романида ёзганидек, «Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оилаларнинг ҳар бири эса алоҳида бахтсиздир». Ана шу бир-бирига ўхшаш бахтли оилалар сонини кўпайтириш, оилалардаги муаммолар ечимини топиш зарур. Оиланинг фаровонлиги ва тотувлигини таъминлаш мақсадида БМТ 1993 йил 20 сентябрда бўлиб ўтган йиғилишида барча халқларни 1994 йилдан бошлаб 15 майни Халқаро оила кuni сифатида нишонлашга чақирди.

2012-йил — Mustahkam oila yili

ЭЗГУЛИКНИНГ УМРИ УЗУН

Ҳамиша яхшилик соғиниб яшаган бағрикенг кишиларни «дарёдил одам эди», дея хотирлаймиз. Оилаларвар ота, талабчан устоз Сайфулла Саидов ҳам ана шундай инсон эди.

Қарши давлат университетининг тарих ва жамиятшунослик факультетини тамомлаган Сайфулла Саидов меҳнат фаолиятини мактабда болалар етакчилигидан бошлади. Ўз устида ишлаб, устозлар тажрибасини ўрганишдан чарчамади. Шу боис тезда моҳир педагоглар сафидан жой олди.

Ўқувчиларни фанга қизиқтиришда маҳаллий материаллардан самарали фойдаланишни йўлга қўйган устоз тарих хонасини ташкил этиб, халқимиз ўтмишига оид экспонатларни жамлади. Мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари вазифасида ишлаб, жамоани жиқлаштиришга, илғор таълим муассасалари тажрибасини ўрганиш, янгилик яратишга интилди. Педагогик маҳорати ва ташкилотчилик қobiliяти жамоага раҳбарлик қилган даврида, айниқса, аққол намоён бўлди. Устоз ўтказадиган очиқ дарслар биз ёш ўқитувчиларга ҳақиқий тажриба мактаби, малакамизни ошириш учун катта имконият эди.

Устознинг йўлини давом эттираётган, янги педагогик технология ва ноанъанавий дарс услубларидан унумли фойдаланаётган шоғирлар ва издошлари кўп. Мактаб директори Ғузэл Алиева, ўқув ишлари бўйича ўринбосари Роҳат Саидова ёш ўқитувчиларга устоз фаолиятини ибрат қилиб кўрсатади.

Тақдир тақозоси билан устоз хонадонига келин бўлиб тушди. У киши қамтарлик ва самимийликни зийнат ҳисобларди. Китобга меҳри банд бўлиб, яқинларига китоб совға қилишни хуш кўрарди. Бугун эришаётган ютуқларимизда у кишининг алоҳида ўрни бор.

Эзгуликнинг умри узун. Неча йиллар олдин устоз эккан ниҳоллар бугун мевага қариб, соғисдан ўқувчи ўқитувчилар баҳра олишмоқда. Парварислаган ниҳоллари — шоғирдлари камолида устоз ҳамон аяшапти.

Ширин РАҲМАТОВА,
Ғузур туманидаги
20-мактаб ўқитувчиси

МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Оилага муқаддас даргоҳ сифатида ёндашиш халқимиз қонқонига сингирб кетган қадриятдир. Кишиларимиз эътиқодининг асоси бўлган Қуръони каримда ҳам оила ва никоҳ масалаларига кенг уруғ берилган. Конституциямизнинг 14-боб 63—66-моддалари оилага бағишланган, оиланинг жамиятдаги ролини таъминлаш, ҳуқуқий муҳофазаси ва ижтимоий мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида «Оила кодексининг қабул қилинган, 1998 йилга «Оила йили» дея ном берилган йили юртимизда оилага бўлган эътиборнинг ёрқин исботидир.

2012 йилнинг Президентимиз томонидан «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинган эса ижтимоий йўналтирилган ислохотларнинг узвий давоми сифатида, кучли ижтимоий сиёсат тамойилининг навабдаги амалий ифодаси бўлди.

Жорий йил учун қабул қилинган давлат дастурида оиланинг ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оилалардаги тинчлик ва тотувликни қарор топ-

тиришда маҳаллаларнинг ролини кучайтириш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш масалаларига кенг ўрин берилди.

Оила миллат келажаги бўлиши ёш авлодни тарбиялаб вояга етказадиган, миллий маданиятимизни сақлайдиган, авлодлардан-авлодларга етказадиган кўрғондир. Агар инсон табиатида гўдақлигиданоқ яхшилик, эзгулик, олижаноблик каби фазилатлар оилада сингдирилса, у келажақда, албатта, ота-онасига, она юртига, миллатига, халқига содиқ фарзанд бўлиб вояга етади, ватани келажаги учун муносиб хизмат қилади.

Таълим-тарбияда танаффус бўлмади, дейишди. Шу маънода Тошкент давлат юридик институтининг профессор ўқитувчилари, тадқиқотчи излаувчилари, магистр ва талабалари жорий йилда ҳам жойларда ҳуқуқий тарғибот ишларини олиб боршяпти. ТДЮИ жамоаси томонидан жами 396та тарғибот тадбири амалга оширилди, уларда 8781 нафардан ортиқ аҳоли вақилари иштирок этди. Фуқаро-

лар ҳуқуқий онгини ривожлантириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришда маҳаллаларнинг ролини кучайтириш мақсадида институтнинг барча кафедра ўқитувчилари жойларда давра суҳбатлари ўтказишмоқда. Айнан шу мавзуда мақолалар, рисоалар ёзишяпти. Чунончи, яқинда «Ўзбек тили» кафедраси доцентлари К.Боймухамедова ва Д.Расулмухамедова «Оила кўрғонининг чароғбони — аёл» номли рисоласи чоп этилди.

Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлашимиз, оилани асрашдек азалий қадриятларимизга ҳурмат ва эътибор кўрсатишимиз, мамлакатимиз ривож учун барчамиз муносиб ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Зафар АМИРОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси,
Лазиза НОМОЗОВА,
ТДЮИ талабаси

Фойдали овқат FASTFUDDAN ҚИММАТ ЭМАС

Мева, сабзавот ва бошқа турдаги фойдали озиқ-овқатлар таркибида ёғ, шакар ва туз кўп бўлган зарарли маҳсулотлардан арзонга тушар экан. Аммо истеъмолчилар FASTFUDD калорияси меъёрдан ортиқ бўлмаган озиқ-овқат маҳсулотларидан анча арзон, деган янглиш фикрга боради, дея маълум қилди АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлиги.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, аввалги изланишларда овқат калориясига қараб нархланган, шу боис, ун маҳсулотлари ва тайёр яхна таомлар мева-сабзавотларга нисбатан анча арзон. Лекин таомнинг нархи оғирлиги ёки ҳажми (порция)га қараб белгиланган, у ҳолда дон, сут маҳсулотлари ва мева-сабзавотлар гўшти, серёғ ва тузли озиқ-овқатдан анча арзонлиги маълум бўлади.

Таъкидлаш зарурки, фойдали овқат масаласи аҳоли ўртасида семирish ҳолати жуда кенг тарқалган АҚШда ўта муҳим ҳисобланади. Айни кунда аҳолининг учдан бир қисми ортиқча вазн муаммосига эга. Тахминларга кўра, 2030 йилга келиб мазкур кўрсаткич 42 фоизга етиши мумкин экан.

ЖИСМОНИЙ ФАОЛЛИК НИМАДАН ДАРАК?

4-5 ёшли болалардаги ўта кучли жисмоний фаоллик (масалан, хавфли равишда велосипед ҳайдаш каби) ҳам уни тарбиялашда муаммони



юзага келтириши мумкин экан. Австралиянинг «Research in Developmental Disabilities» («Шаклланишчи оғишлар изланиши») журналида баён этилишича, бундай болаларда гапга кирмаслик, ёшига хос бўлмаган жаддорлик ва катталар билан арзimas нарсаси учун жанжаллашиш ҳолатлари кўзатилади.

Жараёнда мамлакатнинг Монаш университети олимлари томонидан шу ёшдаги 5 минг нафар боланинг хатти-ҳаракати кўзатилади. Таъкидлаш жоизки, олимлар велосипед ҳайдашнинг фойдасини инкор этмай, аксинча ота-оналарга фарзандларини бу каби фаол жисмоний ҳаракат турига жалб этишни маслаҳат беришмоқда.

Шу билан бирга улар фақат кўнгил очиш мақсадида велосипедни хавфли равишда тез ҳайдаш каби ҳолатларни эътибордан четда қолдирмаслигини ўқитишмоқда. Чунки таваккалчилик қилиб, ўзи англаб-англамаган ҳолда хавфни бошидан ўтказган болалар кейинчалик ҳам турли ҳаётий вазиятларда таваккал қилишга интилиши мумкинлиги кўзатувларда аниқланган.



Демак, ота-оналар ҳали руҳан тўлиқ шаклланмаган болани бу каби «хурсандчилик»дан асраши лозим. Бундай муаммолар асосан ўғил болаларда кўзатилади, қизлар эса нисбатан руҳан барқарор бўларкан.

КИМЁТЕРАПИЯДА ҲАМ ЗАРАР ЕТМАЙДИ

Америкалик олимлар хавфли ўсмаларни кимётерапия ёрдамида даволаётган пайтда соғлом ҳужайраларга зарар етказмаслик усулини аниқлашди, деб хабар беради «Саломатлик» канали («Health Canal»). Янги метод Вашингтон штатидаги Сиэтл шаҳрида жойлашган Онкологик тадқиқотлар маркази илмий ходимлари томонидан синовдан ўтказилди.

Хавфли ўсмалар кимёвий муолажасида бевосита ҳужайраларнинг нобуд бўлишига олиб келадиган турли дори воситалари қўлланилади. Айни пайтда улар фақат саратон ҳужайраларига таъсир қилиб қолмас экан. Хусусан, қон ҳосил қилиш функциясига эга илик ҳам дорилардан зарар кўради. Ўз навбатида, иликнинг зарарланиши иммунитетни оширадиган лейкоцитлар ва камқонликка олиб келувчи эритроцитлар камайишига сабаб бўлади.

Таърибага бош миянинг энг кўп тарқалган саратон тури — глиобластома билан хасталанган уч нафар кўнгилли бемор жалб этилди. Олимлар беморларнинг бош мия тармоқ ҳужайраларидан намуна олиб, уларнинг глиобластома муолажасида қўлланиладиган темозоломид моддасига нисбатан сезувчанлигини йўқотишган. Модификация қилинган тармоқ ҳужайралари қайтадан беморларга киритилган. Натижада, улар кимё терапиясини аввалгига нисбатан яхшироқ ўтказган ва салбий таъсирлар камроқ кўзатишган.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.



ТАЙЁР ДАСТЁР

Бу йил 20 ёшга тўладиган «Бошланғич таълим» журналининг янги сонини varaқлаб, бир қанча янгиликларга гувоҳ бўлдик. Юқори сифатли қорозда рангли-безакли чоп этила бошлаган журнал педагоглар фаолиятида асқотадиган илмий, методик материаллар, ўзига хос тажрибалар, бир соатлик дарс ишланмалари, турли кўргазмалар асосида бойитилган. Энди ҳар сонда ўзбек ва рус тилларида «Бошланғич таълим» янгиликлари, хориж тажрибаси, ёш ўқитувчига маслаҳатлар бериб боришмоқда. Хусусан, журналининг 2012 йил 4-сониди (апрель) бошланғич синф ўқитувчисининг грант соҳиби бўлгани ҳақидаги мақола барча ҳамкасбларида қизиқиш уйғотиши табиий. Инновацион технологияларни амалиётга татбиқ этиш сирлари эса яна бир янгиликда ўз аксини топган.

«Бошланғич таълим: кеча, бугун, эртага» мавзусидаги давра суҳбатидо соҳа мутахассислари, олимлар, илғор ўқитувчиларнинг мунозара, мулоҳаза ва тақлифлари билан танишасиз. «Маҳорат ва ижодкорлик намоиши» рунида «Йил ўқитувчиси — 2012» республика кўрик-танловида иштирок этган ўқитувчиларнинг тажрибалари, муваффақиятлари ёритилган.

Она тили, атрофимиздаги олам, математика,

Jurnallarni varaqlaganda

одобнома, ўқиш фанларидан берилган бир соатлик дарс ишланмалари ўқитувчига кўмакчи бўлиши тайин. Илғор педтехнологиялардан мунтазам равишда бохабар қилиб борадиган журнал дидактик уйинлар асосида қандай қилиб ўқувчи фаоллигини таъминлаш мумкинлигини қизиқарли ва содда тарзда баён этган. Синфдан ташқари машғулотларда ўқувчилар билан ишлаш ҳам назардан четда қолмаган. Масалан, калитлари билан бирга берилган «Қизиқарли тест саволлари»



дан болалар дунёқарашини ўстиришда фойдаланиш мумкин. Мухтарам журналхон, сиз ўқувчиларга миллий реалаялар қандай ўргатилишини биласизми? Билмасангиз, «Бошланғич таълим»дан жавоб изланг! Шу мавзудаги мақолада сиз учун фойдали янгиликлар бисёр. Голландияда бошланғич таълим қандай ташкил этилиши ва шу давлатгагина хос иш усуллари билан «Хориж тажрибаси» рунида танишасиз. Умуман, тайёр дастёр бўлиб қўлингизга етиб борадиган «Бошланғич таълим» журнали иш столингиздан муносиб ўрин олишига шубҳа йўқ.

Насиба ЭРХОНОВА

Ҳурматли академик лицей ва касб-хунар коллежлари битирувчилари, мuddатли ҳарбий хизматни ўтаганлар, барча абитуриентлар, олий маълумотли бўлишни истаганлар ва ота-оналар!

Тошкент давлат техника университетида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилишини маълум қиламиз. Тадбирда Тошкент давлат техника университети факультетлари ва мутахассис тайёрлайдиган кафедралари билан танишиб, абитуриентларга тегишли барча маълумотларни олишингиз мумкин.

Тадбир 2 июнь куни соат 10:00дан 15:00гача бўлиб ўтади.

**“ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ”ГА
МАРҲАМАТ!**



**Манзил:
Тошкент шаҳри,
Университет
кўчаси, 2-уй.**

**Мўлжал:
“Беруний”
метро бекати.**

«Ma'rifat»-«Учитель Узбекистана» газеталари тахририяти жамоаси тахририятнинг Жиззах вилояти бўйича махсус мухбири Абдулаттиф Содиқовга акиси, Узбекистонда хизмат кўрсатган артист **Турдибек СОДИКОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Ma'rifat»-«Учитель Узбекистана» газеталари тахририяти жамоаси тахририят ходими Малоҳат Тошовага отаси **БЕРДИБОЙ отанинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.


Тошкент ирригация ва мелиорация институти жамоаси ҳамда касаб уюшмаси кўмитаси, собиқ маркетинг бўлими бошлиғи **Саида СОДИКОВ**нинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Узбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаб уюшмаси кўмитаси Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқарув Академияси проректори Қаҳрамон Қуранбоевга отаси **Кўчкор отанинг** вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Мирзо Улуғбек номидаги Узбекистон Миллий университети маъмурияти ва касаб уюшмаси кўмитаси Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқарув Академияси проректори Қаҳрамон Қуранбоевга отаси **Машхура ая МУҲАММАДИ** кизининг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«O'ZPAXTASANOAT» UYUSHMASI

Навоий шахрида
ўтказилаётган
«ЎМИД ҲИХОЛЛАРИ — 2012»
катта спорт байрами
билан барча
иштирокчиларни,
уларни мусобақаларнинг
республика босқичига
олиб чиққан
мураббийларини
ва анжуманга ташриф
буюрган меҳмонларни
қизғин муборакбод этамиз!



ҲАҚИҚИЙ ФУТБОЛЧИ

ҳам маънан, ҳам жисмонан бақувват бўлиши лозим

Футбол — шубҳасиз сайёраимиздаги энг оммавий спорт тури ҳисобланади. Миллионлаб муҳлислари ўйингоҳларга ёки экран қаршисига жамлайдиган, етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган ишқибозлар учун бирдек завқ улашадиган ҳам футбол. Қисқаси, футболнинг шухрати ва сеҳри ҳақида соатлаб гапириш мумкин.

Оммавий спорт турларини ривожлантиришга катта эътибор қаратилиб, мунтазам шуғулланиш учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётган серқуёш юртимизда ҳам футбол ўзгача қадрланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 17 январдаги 27-сонли «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришнинг ташкилий асослари ва принциплари» тўғрисидаги қарорига биноан республикамизнинг барча вилоятларида ва пойтахтимизда футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг бунёд этилиши бунинг ёрқин далилидир.

Ана шундай эътибор ва сай-

ҳаракатлар натижаси ўлароқ 1999 йили Тошкент шаҳрининг Ҳамза туманида футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернат очилди. Бугун бу муассасадан яқин келажакда мамлакатимиз шаънини халқаро майдонларда ҳимоя қилувчи спортчи ёшларнинг етишиб чиқиши учун барча шароитлар яратилган.

Мактаб-интернатда асосан Тошкент шаҳри ва вилоятидаги оилаларнинг фарзандлари 5-синфдан 9-синфгача ўзбек ва рус тилларида таълим олишади. Бугунги кунда мактабда жами 68 нафар устозлар — 13 нафар мураббий, 17 нафар фан ўқитувчилари, 11 нафар тарбиячи ишламоқда.

Табийки, мазкур мактабга

футболга лаёқати бор, қизиқувчан, маълум тайёргарликка эга ёшлар қадам ранжида қилишади. Улар таълим муассасасига синовлар асосида қабул қилинади. Бунда, аввало, ўқувчиларнинг умумий жисмоний тайёргарлиги кўриқдан ўтказилади. Сўнгра футбол бўйича техник-тактик салоҳияти синалади. Шундан сўнг уларнинг интеллектуал қобилияти она тили ва математика фанларидан тест синовлари ўтказиш орқали аниқланади.

Маълумот ўрнида шунини таъкидлаш ўринлидир: 2011-2012 ўқув йилида 100 нафардан зиёд ўқувчи мактаб-интернатда таълим олиш истагини билдириб, ҳужжат топширишди. Бироқ синовларда энг юқори балл тўплаган 50 нафар иқтидор эгалари аниқланиб, ўзбек ва рус гуруҳларига тенг тақсимланди.

Бугун жаҳон футболда ўйинлар тақдирини куч билан бирга ақлни ҳам фавқуллодда ишлата билш усулига асослан-

Bolalar futboli

ган тaktикалар ҳал қилмоқда. Шу маънода, бўлажак футболчиларнинг маънавий баркамоллиги уларнинг стадионда янада мазмунли ўйин кўрсатиши учун қўшимча қудрат бағишлайди. Ўқувчиларга ўқув фанлари билан бир қаторда, футбол назарияси ва амалиёти учун ҳам ҳафтада 5 соат ажратилади. Футболчиларга бошқа фанларнинг қандай зарурати бор, деган савол туғилиши мумкин. Футболчи сафар ўйинларига боришдан олдин бошқа ҳудуднинг иқлими ҳақида тасаввурга эга бўлиши учун география, тўпни узатиш бурчагини билиш учун геометрия, ўз тана аъзолари соғлигини назорат қилиши учун эса одам анатомияси каби фанларни ўзлаштириши муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, спортчи кўзлаган мақсадига эришиши, жисмонан бақувват бўлиши учун овқатланишга ҳам эътибор қаратиш лозим. Бу масканда спортчи-ўқувчиларнинг кунига 5 маҳал овқатланишига ва озиқ-овқатларнинг рақсонига амал қилинади.

Футбол мактаб-интернатда 2та (42х38 метр ва 24х12 метр ҳажмдаги) спорт зали, 3та футбол майдони (120х75 м.; 90х40 м.; 40х30 м.) ҳамда 2та тренажёр зали мавжуд. Шунингдек, ошхона ва ётоқхона ҳам улар ихтиёрида. Ўқувчиларнинг доимий тиббий кўриқдан ўтиб туришлари учун ҳам шароит яратилган.

Ҳамза туманидаги футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатдаги устоз-мураббийлар фаолияти, ўқувчиларнинг интилувчанлигини қузатиб, яқин келажакда бу маскандан моҳир футболчилар етишиб чиқишига ишондик.

Гўзал МАЛИКОВА,
Жаҳонгир БОЙҚОБИЛОВ,
ЎзДЖТУ талабалари

ЧЕМПИОНЛИК САРИ ИЛК ҚАДАМ

Спорт руҳий ва жисмоний тетиклик кафолати бўлибгина қолмасдан, баркамол шахсни тарбиялаш омили ҳамдир. Ҳалабага эришиш йўлида спортчи кўлаб тўсиқларни енгиб ўтади, қизгин беллашув ва машқларда иродаси тобланади.

Чемпионлик осонликча қўлга киритилмайди. Унга тинимсиз меҳнат, машқ, сабр-бардош орқали эришилади. Айни шу мақсадда юртимизнинг турли ҳудудларида мунтазам равишда спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Жумладан, Фарғона вилоятининг Кува туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабидан ўтказилган спорт мусобақалари ёшларнинг маҳоратини яна бир бор синовдан ўтказиш учун яхши имконият бўлди.

Мусобақада белбоғли кураш бўйича 12-мактабнинг 5-синф ўқувчилари Мансурхон Тўрахонов ҳамда Миржалол Раҳимбердиев ўз вази бўйича ғалабани қўлга киритиб, диплом ва олтин медаль соҳибига айланишди. Шунингдек, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган футбол мусобақасида 9—11-синфлар ўртасида 9-синф ўқувчилари жамоаси, 5—7-синфлар ўртасида эса 5-синф ўқувчилари ғолиб бўлишди.

Шуни таъкидлаш керакки, мактабда фаолият юритаётган кураш, футбол, теннис, волейбол тўғрисида ҳамда спортчи-мураббийлар меҳнати бу каби ютуқларга замин бўлмоқда.

Шоҳистахон МАДУМАРОВА,
Кува туманидаги
12-мактаб ўқитувчиси



Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби 2012-2013 ўқув йили учун 2-ихтисослаштирилган синфларга танлов асосида қабул эълон қилади

Кириш синовларида қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши керак:

1. Мактаб директори номига ариза.
2. Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома (нусхаси).
3. 086-У формадаги тиббий маълумотнома.
4. 3х4 ҳажмдаги 6 дона фотосурат.
5. Психологик-педагогик ташхис дафтари асосида ўқувчининг қизиқишлари, ўқув фанларини ўзлаштириш ҳақида тасдиқланган тавсифнома.
6. Турар жойдан маълумотнома.
7. Истеъдод ва иқтидорини кўрсатувчи ишларидан намуналар (шеърлар, ҳикоялар, расмлар ва шу қабилар).

Ҳужжатлар 2-ихтисослаштирилган синфлар учун 1—31 июль кунлари қабул қилинади.

Кириш синовлари тест, оғзаки ва ёзма кўринишида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани Буюк Ипак йўли, 71-уй, ХТВ тасарруфидаги филология фанларига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби.
Қўшимча маълумотлар учун телефон: 267-18-10

ҚАБУЛ ҲАЙЪАТИ

Ҳурматли ва қадрли Феруза СОАТОВА!

Кутлуг 50 ёшингиз билан самимий муборакбод этамиз. Сиз чорак асрлик умрингизни ўсиб келаятган ёш авлод таълим-тарбиясига бағишладингиз. Баркамол авлодни тарбиялашдаги шарафли ва масъулиятли меҳнатингизда куч-қувват, ғайрат ва шижоат, узоқ ва сермазмун умр ҳамда мустаҳкам соғлиқ тилаймиз. Фарзандларингиз ва шогирдларингиз камолини кўриб Сизга кўп йиллар давомида насиб этишига тилакдошимиз.

Яккасарой туманидаги 100-мактаб жамоаси

Ҳурматли Ўроқбой ҚУРБОНОВ!

Сизни муборак таваллуд тогдан кунингиз билан чин дилдан кутлаймиз. Сизга узоқ умр, сикат-саломатлик, оилавий хотиржамлик тилаймиз. Таълим-тарбия соҳасидаги сермашаққат фаолиятингизда улкан муваффақиятлар ёр бўлсин. Ҳеч қачон самимийлик, окқўнгиллик ва талабчанлик Сизни тарқ этмасин.

Умидли дунёнинг бор эзгуликларини, доимо эл ардоғида бўлиб, юришингизни тилаймиз. Бахтимизга ҳамиша соғ-саломат бўлинг!

Нурота туманидаги 20-мактаб педагогик жамоаси

Ҳурматли Гавҳар ҲАМИТОВНА!

Сизни таваллуд айёмингиз билан чин қалбдан табриклаймиз! Баркамол авлод тарбияси йўлидаги меҳнатингиз, маънавий-маърифий ишларда ҳаммага ўрнак бўлиб, ўқувчиларни фаолликка қорлашингиз барчамизни қувонтириб, доимо руҳлантиради.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, фаолиятингизда омад ва зафарлар ёр бўлишини тилаймиз. Ҳамиша фарзандларингиз ва шогирдларингиз камолини кўриб юринг!

Тошкент шаҳар Сергели туманидаги 318-сонли ихтисослашган мактаб-бўча мажмуаси жамоаси



“АСАКА” БАНК



«Умид ниҳоллари - 2012»

спорт мусобақалари
қатнашчиларини
самимий қутлаймиз!

**ЎРМАТЛИ
ЮРТДОШЛАР !**

**“Асака” банк (ОАЖ)
қуйидаги янги миллий
валютадаги муддатли
омонат турини
таклиф этади:**

«Эҳтиром-2012».

**Сақланиш муддати 2,5 йил.
Ҳисобланган фоизлар ҳар 3 (уч)
ойда ёки омонат ёпилгандан
(2,5 йилдан) сўнг берилади.**

**Ушбу омонат турини банкнинг
барча филиалларида
очиш мумкин.**

**“Асака” банк (ОАЖ)
сармоянгизнинг сақланиши
ва кўпайишини кафолатлайди!
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг
банклардаги омонатларини кафолатлаш
фонди томонидан кафолатланади.**

**Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ)
филиаллари телефонлари: 120-39-81,
120-39-60, 120-39-63.**

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	225-16-46
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўкон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

Сизнинг омонатларингиз :

- Солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- Маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!

- Эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- Микдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган!

Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими
вазирлиги, Ўзбекистон Олий
ва о'рта maxsus та'лим
вазирлиги, Ўзбекистон
Та'лим, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Baxtiyor YOQUBOV (mas'ul kotib),
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, “Учитель Узбекиста-
на”), Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, “Учитель Узбекистана”),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-518.
Tiraj 49951.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taq-
qilnamaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi—236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi—236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi—236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi—236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi—236-55-58, reklama va marketing
bo'limi—233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar:
Malohat TOSHOVA,
Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:
Nasiba ERXONOVA.
Navbatchi: Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili:
«Buyuk Taron» ko'chasi, 41-uy

ЎЗА якуни—00.35
Topshirildi—01.30